

2-52-1

1-XII

1.3.4.8.18.-20
2019 22-30ЭР ЙИГИТ - ЭЛ-ЮРТ
ҚАЛҚОНИ

■ 6-бет

СЧАСТЛИВЫЕ ПАРНИ -
СЧАСТЛИВОЙ СТРАНЫ

■ 14 стр

ХОТИРЖАМЛИК -
ҲАРБИЙЛАР ДУШМАНИ

■ 16-бет

<http://my-vatanparvar.uz> E-mail: vatan@evo.uz

«Ватан - муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!»



VATANPARVAR

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБОУТ ОРГАНИ
2019 йил 13 январь, якшанба № 2 (2805) | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Воскресенье, 13 января 2019 года, № 2 (2805) | Газета издается с 24 июня 1992 года.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимизнинг муҳттарам фаҳрийлари!

Қадрли юртдошлар!

Сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун ҳалқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда ўз ҳәётини Ватан ҳимоясидек улуг ишга бағишлаган сиз, азму шижотали ҳарбийларимизни шарафлаб, ҳалқимиз, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги хизматларингиз учун барчангизга чукур миннатдорлик билдираман.

Мутафаккир шоир Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгуру ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи, Ватани ва ҳалқини муносиб ҳимоя қилишдан иборатdir.

Биз сизлар билан - ана шундай ғоят масъулиятили ва олижаноб вазифани шараф билан адо этиб келаётган мард ва жасур, эл-юртга садоқатли ўғлонларимиз билан ҳақли равишида фаҳрланамиз.

Айнан сизларнинг ерда ва кўйда, сувда ва қуруқлиқда олиб бораётган мардона хизматларингиз туфайли осмонимиз мусаффо, болаларимиз, мўътабар оналаримиз, кексаларимиз

хотиржам яшамоқда, юртимиз обод, ҳалқимиз ҳаёти фаровон бўлмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз фарзандларини - Қуролли Кучларимизнинг аскар ва офицерларини Алномишдек ботир, чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаган барча ота-оналарга, ҳарбийларимиз билан ҳаёт қувончи ва ташвишларини доимо баҳам кўриб келаётган уларнинг рафиқалари ва оила аъзоларига катта раҳмат айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Муҳттарам ватандошлар!

Мана шу байрам кунларида барчамиз Ватан, ҳалқ ва армия бири-бирига нақадар яқин ва муштарак эканини ҳар қачонгидан ҳам теран хис этмоқдамиз.

Бу борада армия ва ҳалқ бирлигини тъминлашга қаратилган мутлақо янги тузилма - ҳарбий-маъмурий секторлар барча ҳудудларда самарали фаолият юритаётгани ғоят мухим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ана шундай ислоҳотлар туфайли «Армия ва ҳалқ - бир тану бир жон!» деган олижаноб ғоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар ташкилотлари, тълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини камраб олмоқда. Бу эса Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки шарафли бурчимизга

айланиб бораётганидан яққол далолат беради. Қадрли дўстлар!

Дунё миқёсида ҳалқаро терроризм, экстремизм каби хавф-хатарлар, миллий ва глобал хавфсизликка қарши таҳдидлар тобора ортиб бораёттан ҳозирги мураккаб даврда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юқсалтириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-яргов аслаларап билан тъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллиектуал тайёргарлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш энг устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Давлатимизнинг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича қатъий позициясини ифода этадиган янги Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди. Амала оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида миллий армиямиз тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир бўлган жанговар кучига айланаб бормоқда.

Барчамиз яхши англаймиз: бу борада ҳар бир ҳарбий хизматчининг профессионал билим ва малакаси, ақлий салоҳияти, руҳий тайёр гарлигини ошириш, уларда ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш ўта мухим аҳамиятга эгадир.

Биз давлатимиз мудофаа қудратини ҳар томонлама ошириш, етук ва малакали ҳарбий

2 >

14 ЯНВАРЬ - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

< 1

қадрларни тайёрлашга, Ватан ҳимоячилари, уларнинг оиласлари учун муносиб ҳёт шаротларини яратишга бундан кейин ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Масалан, 2019 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчилар учун имтиёзли кредитлар асосида 116 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади. Ҳарбий хизматчиларнинг 700 дан зиёд фарзандлари олий таълим мұассасаларига давлат гранти асосида ўқишига қабул қилинади. Шунингдек, ҳарбий шаҳарчаларни обод қилиш, уларнинг ҳудудида замонавий инфратузилмалар барпо этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади.

Ҳалқимизнинг «Билаги зўр бирни енгади, билими зўр – мингни» деган мақолида чуқур маъно бор. Шу нуқтаи назардан, Қуролли Кучларимизни модернизация қилиш, хусусан,

ҳарбий таълим соҳасига замонавий билим, илгор хорижий тажрибалар, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Айни вақтда шахсий таркиб ўртасида миллий ўзликни англаш ва жанговар руҳи, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Шу мақсадда ёш аскар ва курсантлар учун ҳарбий қасамёд қабул қилишдан аввал «Ўзбекистон тарихига фани ва «Темур тузукларига» китоби бўйича синов ўтказиш тартибини ўйлуга кўйиш мақсадга мувофиқидir.

Ҳалқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ушбу соҳадаги қадрият ва анъаналаримизни тарғиб этиш, аскар ва офицерларимизнинг замон қаҳрамонлари сифатидаги қиёфаси-

ни бадиий асарлар, спектакль ва фильмлар орқали кенг ёритиб бериш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада таникли олимлар, адаб ва шоириларимиз, ижодкор зиёлилар, маданият намояндадар янада самараи фаолият олиб борадилар, деб ишонч билдираман.

Қадрли юртдошлар!

Мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!

Сизларни ота-оналарингиз, оиласларингиз, бутун ҳалқимиз билан биргаликда кенг нишонлаётган бугунги шону шараф айёми – Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, оиласвий баҳт, олижаноб ва масъулияти фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

Барчангизга эл-юртимизнинг юксак меҳри ва ишончи доимо ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмандони**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИMLARI VA ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, давлат ҳавфислиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш ишларига қўшаётган катта хиссаси, миллий мағбаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бўрчани бажарища мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсаттани учун қўйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Шон-шараф»

ордени билан

ГОПОРОВ Мираббос Тўргуналиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

ДУСИМБЕТОВ Ахмаджон Бахтиярович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

ЯҚУБОВ Журъат Амангелдиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

«Дўстлик» ордени билан

АРАКЕЛЯН Армен Арамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

ТЯН Александр Вячеславович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бўйим бошлиги

ШУВАЛОВ Вячеслав Станиславович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати бўйим бошлиги

«Мардлик» ордени билан

ИГАМБЕРДИЕВ Фарруҳ Рихсибаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

МАТМУРАТОВ Сардор Багандикович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гурӯҳи командири

МУРОДОВ Тошпўлот Шомуродович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

ТУРДИЕВ Лўкмонжон Қодиралиевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

ХАСАНОВ Иҳод Уткурович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий аппарати бўйим бошлиги

«Жасорат» медали билан

АБДУРАЗАКОВ Фарҳад Азатович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси катта ўқитувчиси

АТАЖАНОВ Дурдибой Рузимбаевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

АХМЕДОВ Азиз Акмалович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

БЕРДИЕВ Зоҳириддин Салойиддинович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

ДАДАБОЕВ Икромжон Алиёрович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

ДАУЛЕТНАЗАРОВ Сапарбай Конратбаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

ИБРАГИМОВ Ҳуршид Рашидович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

ИСАДЖАНОВ Бекзод Ибрагимович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

КАРАХАНОВ Улугбек Акбаржанович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

КАРИМОВ Азамат Очилбекович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

КАРИМОВ Файзулло Эгамбердиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

КАРИМОВ Эркин Икромбаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм мутахассиси

КИМ Дмитрий Вячеславович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

ҚЎЧҚАРОВ Шаҳриёр Бахтиярович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати Чегара қўшинлари минақавий штаби базаси бошлигининг ўринбосари

МАЖИДОВ Эркин Аъзамович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати

ҳарбий хизматчиси

МАЛИКОВ Жаҳонгир Мирзумуротович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати Чегара қўшинлари минақавий штаби катта инспектори

НАЗАРОВ Ферузбек Махсудбекович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

САТТОРОВ Анвар Мансурович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

СОЛИЕВ Алишер Раҳимович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

ТУРСУНОВ Ҳамдамжон Ҳалимжонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм вазор командири

ҮРАҚОВ Нодир Абдулмажон ўғли – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ходими

ФАЙЗУЛЛАЕВ Умиджон Қаҳрамонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

ХУДАЙБЕРДИЕВ Утқир Тошмуродович – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфисизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

ХУДАЙБЕРГАНОВ Ҳусанбой Мухамадович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гурӯҳи командири

ЭЛЛИЕВ Кулдош Абдирозикович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гурӯҳи командирининг ўринбосари

**«Содик хизматлари учун»
медиали билан**

АБДУМАЛИКОВ Абдумажит Ҳудайберганивич – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази бўйим бошлиги

АДИЛОВ Ҳусен Нормахмадович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби Марказий қўмандонлик пункти тезкор навбатчиси

АКБАЛАЕВ Дониёр Махмудович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий аппарати бошқарма бошлигининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТҮҒРИСИДА

2

АШУРОВ Шуҳрат Саттаровиҷ – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

БЕГАШЕВ Фахриддин Содиқовиҷ – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

ГОИБНАЗАРОВ Мақсуд Маманазаровиҷ – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари миңтақавий шаби гурух командири

ДЖУМАЕВ Сафар Қенжакеевиҷ – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари миңтақавий шаби гурух командири

КАМАЛОВ Қаҳрамон Ўқтамовиҷ – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг нейрожарроҳлик бўйими бошлиғи – бosh нейрожарроҳи

КУВАТОВ Алишер Джумабаевиҷ – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гурухи ҳайдовчи-мутахассиси

МАДРАХИМОВ Шерзод Усмоналиевиҷ – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

МАҲАМАДЗИЯЕВ Тапил Равшановиҷ – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хизмати бошлиғи

НАБИЕВ Абдуқаҳор Ҳасановиҷ – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

НЕМАТИЛЛАЕВ Шуҳратжон Кодировиҷ – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий аппарати бўйим бошлиғи

НОРМУРОДОВ Суннатулла Зокировиҷ – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

САДАТОВ Сафарбой Насруллаевиҷ – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги батальон командири

СОЛИЕВ Аҳроржон Боҳодировиҷ – Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент аҳборот технологиялари университети Махсус факультети кафедраси бошлиғи

СУЯРОВ Зайнiddин Ҳолбутаевиҷ – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси цикли бошлиғи

ТАШХОДЖАЕВ Дониёр Баҳтияровиҷ – Тошкент шаҳар Ички ишлар бosh бошқармаси бошлигининг ўринбосари

УТЕМУРАТОВ Мамангелди Тауекеловиҷ – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўйим бошлиғи

ҲАН Павел Афанасевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги спорт клуби тренер-ўқитувчisi

ХУСАИНОВ Дониёр Ҳасанович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий аппларати бошқарма бошлиғi

ШАЙМАРДАНОВ Элмурот Эргашевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари миңтақавий шаби чегара райони штаб бошлигининг ўринбосари

ЭЗАЛИЕВ Азат Пулатович – Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра бошлигининг ўринбосари

«Шуҳрат» медали билан

АЛИМОВ Равшан Козимович – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Андикон вилояти божхона бошқармаси бўйими бошлиғi

АЛЛАЕВ Бобир Абдивойдович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси мутахассиси

БАККАЕВ Анвар Мусулманович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Коровул қўшинлари бosh бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғi

ВАЛИЕВ Алимхон Аллоҳанович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бosh штаби Ҳарбий-стратегик тадқиқотлар ва имлмий ишлар маркази бosh мутахассиси

ЖАЛИЛОВ Рашидбек Равшанбек ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсizлик хизмати Чегара қўшинлари миңtaқavий шtabи гурух командирининг ўринбосари

ЖУРАКУЛОВ Одилбек Равшанович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Самарқанд ҳарбий госпитали бўлинmasi бошлиғi

КОДИРОВ Аброрбек Абдулхакимович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

КУЧКАРОВ Нозимжон Ғуломқодирович –

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм қўриқлаш гуруҳининг қоровул бошлиғi

МАХМУДОВ Махмуджон Тоҳирович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм вазири

НЕГМАТОВ Шерзод Бозорбай ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавfсizлик хизмати Чегара қўшинлари миңtaқavий шtabи чегара пости радиотелефонисти

НОРМАТОВ Низомжон Ҳайруллоевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавfсizлик хизмати ҳарбий ҳизматчи

РАИМКУЛОВ Улугбек Турғунович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

РАХИМОВ Ибодилло Бахшиллоевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғi

РАХИМОВ Рустамбек Рузибоевич – Андикон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси йўриқчи-қутқарувchisi

САИДОВА Фотима Ҳалимовна – Самарқанд вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси мутахассиси

СОЛИЕВ Мирзоҳид Абдурашидович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряди мутахассиси

ТЕМИРОВ Жонибек Махамматқўл ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гурухи командири

ТУРАЕВ Гани Толибовиҷ – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчик олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра бошлиғi

УСМОНОВ Қамол Ҳошим ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти кафедра бошлиғi

УТЕГЕНОВ Алляр Утебаевиҷ – Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фельдшер-кутқарувchisi

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 январь

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДАГИ ТАНТАНА

Мудофаа вазирлигига Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Мудофаа вазирининг буйрӯғига мувоғиқ, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашда салмоқли ҳисса кўшган, юқори профессионал маҳорати, бўрчига садоқати, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда кўрсатган фидо-йилиги учун бир гурух ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчилари фахрий ёрлиқ, пул мукофотлари ва Мудофаа вазирлигининг III, II ва I даражали «Namunali xizmati uchun» кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Тантанали тадбирда сўзга чиқсан мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бosh штаби бошлиғi

– Бугун жуда ҳаяжондаман,



чунки менинг ҳам камтарона хизматларим юқори баҳоланиб, Мудофаа вазирлиги раҳбарияти тоғонидан рағбатлантирилдим. Бу мени албатта, кувонтиради, шу қаторда янги муваффақиятлар

сари олға ундейди. Билдирилган ишончга муносаб бўламан, – дейди майор Алимардан Ўтапўлатов.

**Ўз мухбиримиз,
Баҳром АБДУРАҲИМОВ**
суратга олган.

ҚАРШИ, АНДИЖОН, БУХОРО... ВА НИҲОЯТ ТОШКЕНТ

ёхуд қувончга бурканган кун

Янги йил шукухи кўнгилларимизни тарқ этмай туриб, яна бир қутлуғ байрам – Ватан ҳимоячилари кунини қарши оляяпмиз. Юртнинг асл фарзандлари, мард ва жасур ўғлонларининг хизматлари эътирофи бўлган ушбу шодиёна бу йил минглаб ҳарбий хизматчиларнинг оиласи учун ҳар қачон гидан-да, файзли ва унтутилмас бўлди. Негаки, улар касб байрамини янги уйда қарши олишади.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги «Олмос» маҳалласида ҳарбий хизматчилар учун 904 та хонадон фойдаланишга топширилди. Уй салитларини ўз эгаларига топшириш маросимида мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Куролли Кучлар Буш штаби бошлиги генерал-майор П. Эргашев, Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-майор Б. Курбонов, туман ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Замонавий услубда бунёд этилган, шинам ва ҳар томонлама қулай хонадонларга кирган кишининг кўнгли ёришади. Хоналарни бир-бир кўздан кечирдик. Ҳаммаси

замонавий жиҳозланган, саранжом-саришта. Янги уй сохиби ва соҳибаларининг шодлигини айтмайсизми? Шу лаҳзаларда улардан-да баҳтиёр инсон йўқ дунёда. Болажонларнинг шодлиги ҳам ота-онасиликдан колишимайди.

– Ўн саккиз йиллик фаолиятим давомида бир неча вилоятда хизмат қўлдим. Оиласи билан етти марта ижара уй алмаштирганимиз. Фарзандларим Хуршидjon ва

Элбек бири беш марта, бири уч марта мактабдан мактабга кўчди. Шунинг учун ҳам биз катталарадан кўра улар кўчуб юришдан зада бўлиб қолишиганди, – дейди подполковник Ўткир Сатторов кулиб. – Ўғилларим янги уй хабарини эшитганда энг аввал: «Энди мактаб алмаштиромизми?», «Ўзимизнинг хоналаримиз бўлади-а?» деб савол берганди. Мен энг аввало фарзандларим орзузи амалга ошганидан хурсандман. Уларнинг қувончини кўриб завқланаяпман. Ҳарбий хизматчиларнинг оиласирага кўрсатилаётган мана шундай юксак эътибор учун давлатимиздан, Мудофаа вазирлигидан миннатдормиз.

– Ватанли бўлдик. Ўйимиз кенг, ёруғ, шинам, – дейди капитан Рауф Раҳматуллаевнинг турмуш ўр-

тоғи Дилфузахон Раҳматуллаева қувонч билан. – Ҳарбий хизматчиларнига рафиқаси бўлиш осонмас. Бу шараф бўлиш билан бирга улкан масъулият ҳам демак. Биз ҳам шу вақтгача жуда кўп ижара уй алмаштирганимиз. Аввалига Қаршида яшадик, кейин Андижонда, Бухорода... ниҳоят Тошкентда қўним топдик. Ёш бола билан кўчуб юриш осонмаслиги бошимдан ўтган. Лекин ҳеч қаён нолимаганман. Бугун ўтган кунларимизни эсладим. Бозимиздан кеичиран машақатларимиз муносиб тақдирланганидан беҳад хурсандман.

Миннатдорчилик сўзларини эшитиш жуда кўнгилли. Шу лаҳзаларда баҳтиёр сұхбатдошигининг қувончи, шодлиги сизга ҳам кўчади. Биз маросим давомида жуда кўп инсонларнинг ҳаяжонга йўғирған сўзларини тингладик, уларнинг қувончига шериқ бўлдик.

**Капитан Гулнора Ҳожимуродова.
Баҳром Абдураҳимов
суратга олган.**



ЯНГИ УЙ ҚУВОНЧИ

Термида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун қурилган кўп қаватли янги уй фойдаланишга топширилди.



Ватан ҳимоячилари куни олдидан фойдаланишга топширилган 90 хонадонли янги уйда ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун барча шароит яратилган. Бундай қулайликлардан ҳарбийларнинг оила аъзолари жуда мамнун.

– Ватан ҳимоячисининг уйидан кўнгли тўқ бўлиши керак, – дейди янги уйлардан бирининг калитини олган Қ. Холматова. – Турмуш ўртогум ҳарбий хизматчи бўлгани учун буни яхши хис қилиман. Янги уйда барча шароит мавжуд, бундан айниқса, фарзандларимиз хурсанд. Байрамни янги уйда нишонлаймиз.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Фарғона шаҳрида ҳарбий хизматчилар учун 180 хонадондан иборат 6 та кўп қаватли уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Янги уйга кўчуб кирган оиласидан бири сержант Жасурбек Исмоилов ва унинг турмуш ўртоғи Дилнозахоннинг қувончи чексиз.

– Оиласидан учун янги уй ажратилганлигидан беҳад хурсандмиз, – дейди ҳарбий хизматчи Ж. Исмоилов. – Байрам арафасида бизга ажратилган уч хонали уйда барча шароит муҳайё. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратилаётган шароит ва имкониятлар учун Президентимиздан миннатдормиз. Юрт посбонларига кўрсатилаётган бундай катта эътибор бизни янада сидқидилдан хизмат қилишга ундаиди.

Янги уйларни топшириш маросимида Фарғона вилояти ҳокими Ш. Ғаниев сўзга чиқди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

ТАРБИЯВИЙ ВА МАФКУРАВИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ

(2018 йил сарҳисоби)

«...Шахсий таркиб маънавий жиҳатдан заиф бўлса, яъни аскар ва офицерларимизда жанговар руҳ, Ватанга меҳр ва садоқат, унинг тақдирни учун масъулият бўлмаса ёки уларнинг ўртасида бепарволик ҳукм сурса, бундай ҳолат ниҳоятда нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Маънавияти юксак ҳарбий хизматчида ватанпарварлик тўйғуси шаклланади. Ҳеч қандай куч-кудрат енга олмайдиган куролга эга бўлади. Хўш, орта қолган 2018 йил давомида Мудофаа вазирлиги қўшинларида бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Шу ўринда, Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича айrim таҳлиллар мисолида саволга жавоб берсак.

Муҳим меъёрий-хукукий ҳужжатлар

Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий савиисини ошириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар фахрийларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та қарори ва 1 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 7 та қарори, 1 та фармойиши ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиисини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қўшинлардаги тарбиявий ва мафкуравий ишларни янги босқичга кўтиришда муҳим норматив асос бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ, Қуролли Кучлар тизимида ҳафтанинг ҳар жума куни «Маънавий юксалиши ва ватанпарварлик куни» этиб белгиланиши муносабати билан маънавий-ватанпарварлик ва маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш ишлари тизимга солинди.

Маънавият ва маърифат

Буюк тарихимиз, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур ва бошқа аждодларимиз ҳарбий санъетини ўрганишга қаратилган маънавий-маърифий тайёргарликнинг янги ўқув дастури ишлаб чиқилди, бу дастурга 46 соат ҳажмадиги «Ўзбекистон тарихи» номи билан янги бўлим кирилтиди.

Ҳарбий қисм ва муассасалардаги «Ахборот бериш хонаси» «Маънавият ва маърифат хонаси» деб қайта номланди.

Қўшинлarda ҳафтанинг ҳар бир кунига алоҳида ном берилиб, маънавий-маърифий ишлар, ахлоқий-руҳий таъминот ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирлари самарадорлигига эришилди.

душанба – «Ёшлар куни»,
сешанба – «Ахлоқий-руҳий тайёргарлик куни»,
чоршанба – «Китобхонлик куни»,
пайшанба – «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»,
жума – «Маънавий юксалиши ва ватанпарварлик куни»,
шанба – «Ободонлаштириш куни»,
якшанба – «Маданият куни».

Мудофаа вазирининг 2018 йил 6 апрелдаги буйруғига мувофиқ, ҳарбий округлар миқёсида «Энг яҳши ҳарбий қисм кутубхонаси», «Энг яҳши маънавият ва маърифат хонаси», «Энг яҳши маънавий-маърифий тайёргарлик видеомаърузаси» ўйналишларида қўрик-танловлар ташкил этилди.

Шахсий тарбибнинг китоб ўқишига бўлган киризиши ва мутолаа маданиятини ошириш мақсади-

да қўшинларда «Энг яҳши китобхон», «Энг яҳши ёш китобхон», «Энг яҳши китобхон оила» танловлари ўтказилди, янги нашр этилган китоблар тақдимотига бағишиб 1470 дан ортиқ тадбир, 1240 дан ортиқ китоб ярмаркаси ҳамда 4600 дан зиёд китобхонлик кечаси ташкил этилди.

Қўшинларда мавжуд 75 та (шу жумладан, 31 та электрон) кутубхона вазирлик базасидан 30 мингдан ортиқ, ҳарбий-маъмурий секторлар томонидан 45 мингдан ортиқ ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан 5 мингдан зиёд адабиёт билан таъминланди.

Ҳарбий хизматчилар билан фан, маданият ва санъат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар иштирокида 2400 дан зиёд маънавий-маърифий тадбир, буюк саркарда ва алломаларимизнинг илмий меросларини ўрганишга бағишлиган 2780 та давра сухбати ва семинар, 1950 та интеллектуал ўйин ва викторина, кино, театр ва музейларга 6 380 та, тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва диккатга сазовор жойларга 3490 та экспурсия ташкил этилди.

Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги «Турон» театр-студияси, Марказий ҳарбий оркестр ҳамда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда аҳоли учун 1300 дан ортиқ маданий тадбир ўтказилди.

Ёшлар сиёсати

Мамлакатимизни 2017 – 2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий тамоили ва устувор ўйналишлари асосида 2018 йил 23 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига даҳлдор вазирлик ва идораларнинг мазкур қарор ижросини самарали ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарори ишлаб чиқилди, «Йўл ҳаритаси» тасдиқланди. Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик меморандуми ҳамда 5 та қўшма қарор имзолади.

Мактабчага таълим муассасаларида – 4250 дан ортиқ, умумий ўрта таълим мактабларида – 21200 дан зиёд, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида – 14500 дан ортиқ, макталавиши ва ташкилотларда (мехнат жамоаларида) – 5450 дан ортиқ, жами 45400 дан зиёд ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига оид тадбир ўтказилди.

Шунингдек, республиканинг 6189 та умумий ўрта таълим мактабида ҳарбий-ватанпарварлик хоналари ташкил этилиб, тўлиқ жиҳозланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Мудофаа вазирлиги қўшинларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошлангич ташкилотлари тузилди. Бугунги кунда: 149 та бошлангич ташкилот,

149 нафар етакчи ҳамда 642 нафар ўйналиш сардорлари бор, уларга жами 25000 дан ортиқ ҳарбий хизматчи ҳамда Қуролли Кучлар иши ва хизматчилари аъзоликка қабул қилинган, ҳарбий қисм ва муассасаларида 140 та Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хоналари жиҳозланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июндаги

«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларини ижтимоий қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қўшма қарори қабул қилинди. Мазкур қўшма қарор бўйича муддатли ҳарбий хизматчилар билан тадбиркорлик фаолияти, кредитлар олиш, ҳужжатларни расмийлаштириш тартибларини ўргатиш бўйича 400 дан ортиқ семинар, давра сұхбатлари ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Ижтимоий ҳимоя

Ҳарбий-маъмурий секторлар билан ҳамкорликда 4183 та ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-маърифий тадбир, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга бағишиб 15101 та тадбир ўтказилди.

Мудофаа вазирининг 2018 йил 24 февралдаги буйруғига асосан ҳизмат бурчанини бажариш вақтида ҳалол бўлган 11 нафар ҳарбий хизматчиларини юртлаштириш таъсислари олган умумтаълим мактабларига ўрнатилди.

2018 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Мудофаа вазирлиги Фахрийлар ишлари кенгашининг фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилди ва токомиллаштирилди, унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари ҳузурида Фахрийлар ишлари кенгаши раиси лавозими жорий этилиб, худудий тузилмалари ташкил этилди.

Мудофаа вазирининг 2018 йил 16 апрелдаги буйруғига билан қўшинларда хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан олиб борилётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида тегиши мутахассислар учун йўриқнома тасдиқланди.

«Соғлом авлод учун» фондни мутахассислари иштироқида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини чукурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича 42 та тадбир ўтказилди. Унда ҳарбий хизматчиларнинг 582 нафар рафиқаси ва 642 нафар фарзанди иштироқ этиди.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини иш билан таъминлаш мақсадида 140 дан зиёд меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 14 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-куватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун республика олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларида 5 фоизлик давлат гранти асосида қабул к沃таси ажратилди. Бугун ҳарбийларнинг 338 нафар фарзанди олий таълим муассасаларида шу имтиёздан фойдаланиб таҳсил олишяпти.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаёттан бундай эзгу ва хайрли тадбирлар ёш авлод ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фаол ҳайётӣ позициясини мустаҳкамлаш, фуқароларимиз қалбида миллий армиямиз билан фахрланиш, турурланиш тўйғуларини оширишга ҳизмат қўлмоқда.

Подполковник Зоҳиджон ИСАКОВ,

Мудофаа вазирлиги

Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бўлими бошлиғи

ЭР ЙИГИТ – ЭЛ-ЮРТ ҚАЛҚОНИ

Ҳаяжон ва энтикиш билан югуриб бораётган болакай тошлок йўлда зарб билан қоқилиб йикилди. Тиззаси тошга урилиб, ёқимсиз оғриқ турди. Болакай оғриқини хис қиласликка уриниб, ўрнидан кўзғалди, митти кафтлари билан уст-бошини қоқиди, яна шошиб йўлга ошиди. Олисдан кўринган шарпага интилар, овозининг борича бақиради:

– Тога-а... тоғааа! Мен катта бўлдим! Мен ҳам аскар бўламан!

Ҳарбий кийими энгига ярашган, қўзлари қувончдан яшаб турган барваста йигит йўл халтасини ерга кўйди-да, болакайнини кучиб даст кўтарди. Чаккаларидан ўпид, бағрига маҳкам босди. Соғинчнинг, ҳаяжоннинг ҳовури босиландек бўлди. Ҳарб қалпогини унинг бошига кўндириди. Тоға-жиян бир-бираға мамнун жилмайди. Аскар йигит болакайнини оҳиста ерга кўяркан, жиддий оҳангда сўради:

– Энди нима дейиш керак?

– Раҳмат, дейиш керак, – болакай уялиб қўзини олиб қочди.

– Йўқ, аскар нима дейиши керак, – йигит ишора билан кўлини чакка-сига тутди.

Болакай қаддини фоз килиб, ростланди. Кўлини тоғаси каби чаккасига ҷоғлади:

– Ўзбекистон Республикаси га хизмат қиласам!

Унинг овози атрофга жаранг сочди. Тоғлар титрагандек, далалар яшаб кеттандек, ариқлар шилдираб, япроқлар шивирлаб сўзлашгандек, тупроқнинг нафас олгани сезилгандек бўлди. Бўлса бордир, улар шу инсон болалига эртага улғайиб, Ватан химоячиси бўлишига ишора берганни. Митти кўксидан отилган улуғвор ниятия тўшили «омин» дегандир.

– Баракалла!!!

Уша куни болакай тоғасининг ҳарбий хизматдан келтирган эсдалик альбомини бир неча бор томоша қилиб завқланди. Биз унинг атрофида шаталоқ отиб югуриб юрдик. Ҳарбий хизматдан қайтган аскарни қайта-қайта саволларга кўмбид ташлади. Ҳарб қалпогини тонггача бағрига босиб ётди...

Бу болакай менинг дўстим эди. Бу ҳикоя – менинг ҳикоям. Болаликни кўз олдимда гавдалантириб, бугун қофоз қоралаяпман. Болалик дўстим бугун ҳарбий хизматчи! Юрагида олови бор, чинакам юрт химоячиси! Бола кезларимда ҳам, бугун ҳам унга ҳавасим келади.

Ўғил бола зиммасида бир бурч билан дунёга келади, бу – Ватан химояси. Ўғил бола бир шараф билан дунёга келади, бу – Ватан химояси шарафи!

Тунов куни пойтхатдаги «Темурбеклар мактаби»га ҳарбий таълим олаётган ўқувчилар билан учрашувга бордик. Таълим ва жисмоний машҳуларда тоблангаётган қошу кўзи қора йигитларнинг кўзидағи оловда йигитликнинг, навқиронликнинг курдатини кўрасиз. Ҳарбий таълим маскани раҳбари ўзаро сұхбатда бир воқеани айтиб берди. У шундай баён қўлгади: Тарбиявий тадбир жараёнида бир меҳмон амалдор болаларни савол ташлади: «Ким душман танкига рўпара бўлиб, ўлим билан юзлашиб, юрт химояси учун жонини тика олади?» Кутимаган саводдан ҳамма ўнгайиззланди. Аслида, кутимаган савол эмас, ҳар бир йигитнинг ъеч кимга айтмаса-да, айтмолмаса-да бу сўровга ўз жавоби бўлиши керак! Мъалум муддат жимликни бир овоз ёриб чиқди: «Мен!» Мехмон жилмайб савонлини яна қайта тушунтириди: «Мен ўз жонини тикаман!», яна ўша овоз янгради. Мехмон амалдор яна тақорлари: «Ёш умринг ҳазон бўлиб кетади, тушуняпсанми, ўлиб кетасан! Инсон ҳаётда бир марта яшайди... Энди ям жонингдан ке-

чоласанми?» Йигитнинг кўзида чақмок, бўғзида олов ёнди: «Ватан учун жонидан кечаман, у энг гўзал ўлим бўлади!»

Ўшанда меҳмон амалдор: «У йигитнинг кўзларида Жалолиддин Мангубердини кўрдим», деган экан мамнун.

Университетта кириш учун ижодий имтиҳонда билет тортганимда, мавзуни кўриб кўзларим яшнаб кетган эди. «Широқ» афсонаси ҳақида эркин мавзуда иншо ёзиш мен учун чиндан мароқли кечган. Ватан химояси, элу ҳалқ осойиштаги учун бир чўпон жасорати, закоти билан ўз жонидан воз кечиб, бутун бир қўшинни маҳв этгани авлодлар руҳига қувват баҳш этиб турди. Афсоналар бежиз яралмайди... Мамлакатимиз Мустақилларни мустаҳкамлаш, тинчликни асрар, чегараларимизни қўриқлаш, ҳалқ осойиштагиagini сақлашда улкан жасорат кўрсатган, ҳаётини тиккан, азиз жонини курбон қўлган қанча Широқларга, Жалолиддинларга замондош яшадик.

Ҳарбий мактаблар, ҳарбий олий таълим муассасалари ўқувчи ва курсантлари бўладими, ё ҳарбий хизматчи, уларнинг томири – жасоратнинг жўшқин ирмоғидир. Демак, қаҳрамонларимиз ҳамон биз билан яшяпти.

Қишлоғимизда Иккинчи жаҳон урушини кўрган биргина инсон қолди. Мингиш бобони «Ватан химоячилари куни», «Хотира ва қадрлаш куни» арафасида ҳамма йўқлашга шошилади. Чунки бобо – жасоратнинг тирик тимсоли. Бобо хира тортган нигоҳлари, вазмин феъли билан эр йигитнинг бурчи ва шарафидан сабоқ берib турди. Қишлоқ ёш-янглагари ундан улги олиб турди.

...Болакай онасини саволга тулади:

– Менинг бобом ҳам урушга борганми?

– Ҳа борган.

– Душман билан урушганми? Енганими?

– Урушган. Енгган!

У севиниб, илжайди. Бобосининг мардонавор руҳини, курдатини, жасоратини кўксига кўчиради. Чунки ҳамият, жасорат, орият болакайнинг қалбида, танасида ниш ураётган йигитликни суғориб турди...

Ана шу серсовол болаларнинг улғайганини, танаси кучга, тафаккури билимга, кўксига жасоратга тўлганини кўрдим. Утган йилнинг сўнгги ойида Мудофаа вазирилиги таклифи билан бир гуруҳ ёш ижодкорлар билан Чирчида ўтказилган жонговар ҳарбий тайёргарлик жараёнининг кузатувчиси бўлдиц. Милий армиямиз замонавий техника ва куроллар билан бойиганини кўрдик. Энг асосийси, шартли душман обьектини йўқ қилиш операциясида қатнашган, кўкси тоғ, кўзида ўт порлаб турган ўғлонларнинг шахти-шиддати – ҳарбий билим ва кўнинмаларни юксак даражада ўзлаштиргани, руҳан ва хисмонан чиниқнани намоён этди. Уларнинг юраги «лов» этиб олов

олгудек. Ўзи каби юраги ҳам жанговарлика шай! Ҳарбий хизматчилар юрт тинчлиги, эл хотиржамлиги учун ҳамиша сергак яшайди. Айниқса, бугун дунёда давлатлар ўртасида ихтилофлар юзага келаётган, курашлар авж олаётган, фарз нияти гурух ва тўдадар ҳаракатлар пайди турган паллада Ватан химояси масъулияти жасур ўғлонларни доимо сергакликка, хушёликка чоғлантиради.

Ҳар бирининг юзида ўз қуёши бор. Ёнида турссангиз руҳингиз қувватланади. Сухбати қиска-ю, сўзи катъий. Самиимилигида садоқати акс этиб турди. Сенинг түққан онангга, тарбия берган отангга раҳмат, дейсанда кейин. Ҳарбий аслида шунчак жасорати бўлиб қолмайди. Юрт корига ярайдиган фарзандни тарбиялаган ота-онанинг жасорати ўғилга ўтади. Айниқса, она! Барча ўғиллари ҳарбийликни танлаган, аёни, фарзандлари хизмат юзасидан турли ҳудудларда яшаб юрган, ўзи эса «кенг ҳовлиниң келинчаги» бўлиб қалбидаги меҳр ва соғинчини сандигига жамлаб ўтирган қанча ўзбек оналари бор. Хаёл бехос кўча эшикка бошлаб, йўл қарайверса-да, юрт тинчлиги, эл фаронвонлиги, фарзандлари баҳто саодатини тилаб ҳамиша дуода бўладилар. Уларнинг дуоси билан ҳам юрт кўргонлари мустаҳкам экани шубҳасизdir. Онанинг жасорати факат фарзандни дунёга келтиргани, оқ ювиб, оқ тараб улғайтирганида эмас, юрт корига ярайдиган, қалқон бўладиган жасур ўғлон этиб тарбиялаганида... Акёми нон тишилати армияга кутаган онам чит ҳалтада осигурик турган нонга ҳар кўзи тушганида, «бошинг омон бўлсин, болам» деб кўз ёши қиласи эди. Бир умр ҳарбий хизматчи бўлган эр йигитнинг онаси метин иродали бўлар экан. Аслида ҳам ирова жасоратни таъмин этиб беради.

Бир шоир инимизнинг «Бронежилет остида ҳам юрак бор» шеъри ажойиб қўшиқ бўлибди. Шу сатрнинг ўзи ҳарбий хизматчи ўлонларнинг кўнгил кечинмаларини англашга ундаиди. Ҳарбий хизматчининг юраги улканроқ демак, соғинчиям, меҳриян улканроқ бўлади. Юртга хизмати ҳам кеттароқ бўлади, ҳархолда, мен шундай тушунаман. Эл-юртга садоқати, муҳаббати ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Улар бор – она Юрт сарҳадлари мустаҳкам. Улар бор – ҳалқимиз осойишта ҳаёт кеирияти.

Байрам дастурхонидан баҳраманд ўтириб, дўстимни табриклагани қўнғироқ қиласам:

– Алло, қаердасан, тани-жонинг соғ бўлгур?

– Ошна, хизматдамиз...

– Борингга шукур! Борларингга шукур!

Ўғлим югуриб келиб, сўзимни бўлади: «Амакимга айтинг, мен ҳам аскар бўламан!» Гўшакдан эшишиб турган дўстим кўнглимни кўтаради:

– Бўлади! Шуни ният қиласидими, бўлади, – телефонни аста ўғлимнинг кулоғига тутаман, – сўрагин-чи, аскар нима дейиши керак?

Ўғлимга имлайман. У қаддини фоз тутиб, бор овозида ҳайқиради:

– Ўзбекистон Республикаси га хизмат қиласам!!!

Фарҳиддин ҲАЙИТ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси,
«Шешик» журнали
буш мұхаррири

ДАСТУР ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасида. Лойиҳанинг В бобидаги айрим чора-тадбирлар хусусида мальумот берамиш.

Мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш

Бунда: Қуороли Кучларни кўллашни режалаштиришнинг норматив-хуқуқий асослари янгиланиши;

ҳарбий кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, профессионал тайёрларликнинг инновацион ёндашувлари ишлаб чиқилиши;

миллий руҳни юксалитириш, ҳарбий хизматчиликнинг жисмоний ва мъянивий баркамол этиб тарбиялаш тизимини такомиллаштириш кабилалар режалаштирилган.

Мудофаа-саноат комплексини ривожлантириш

Бунда: ҳарбий ва иккى хил мақсадларда фойдаланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариши, мудофаа саноати корхоналарини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини яратиш;

мудофаа саноати ва башқа саноати тармоқлари билан тузилмавий диверсификация ва интеграциялашувни таъминлаш;

«Инновация технологиялари маркази» негизида мудофаа саноати комплексининг илмий-конструкторлик кластерини яратиш кабилалар назарда тутилган.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни фаоллаштириш

Бунда: амалий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Д. РЎЗИЕВА тайёрлари.



САРҲИСОБ

ЎТГАН ЙИЛГА НАЗАР

2018 йил Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимида қандай мұхим ўзгаришлар рўй берди? Қуйидаги маълумотлар шу ҳақда сўзлади



Тошкентда биринчи марта МДХга аъзо мамлакатлар Мудофаа вазирлари кенгашининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди. Унда Россия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Козогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон республикаларининг мудофаа идоралари раҳбарлари иштирок этди.



Ҳарбий хизматчиларнинг професионаллик даражаси қарийб 68 фойзгача кўтарилиди. Амалий жанговар машғулотлар З баробар оширилди.



Мавжуд 5 та сержантлар тайёрлаш мактабларининг фаолияти тугатилиб, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмандонлик-муҳандислик билим юрти негизида кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази ташкил этилди.



«Чирчик» дала-ўқув майдони базасида танк биатлони бўйича мусобақа ўтказишга мўлжалланган ҳалқаро стандартларга мос маҳсус майдон барпо этилди.



Ўзбекистон Президентининг 4 августдаги қарорига кўра, армияда тарбиявий ва мағкуравий ишлар органи жорий этилиб, ҳарбий психолог, социолог лавозимлари киритилди, Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш Концепцияси тасдиқланди.



Жанговар самолётларнинг катта қисми таъмирланиб, модернизация қилинди. Ҳаво хужумидан мудофаа учун замонавий зенит ракета комплекслари, алоҳида учувчисиз учиш аппаратлар, зирхли техникалар, вертолётлар, юқори аниқликка эга ўқотар қуроллар сотиб олинди.



Қўшинларда 135 марта қўмандонлик-штаб ўқувлари, 500 дан ортиқ тақтиқ ўқув машғулот, Қуролли Кучлар тузилмалари билан ҳамкорликда 300 га яқин тадбир ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига мувофиқ, биринчи марта Мудофаа вазирлиги қўшинлари тўсатдан текширилди.



Ҳалқаро ҳарбий ҳамкорликдаги 5 та машғулот, хорижий эксперталар иштирокида 100 дан ортиқ тренинг ўтказилди.



Қўшин разведкачиларимиз Буюк Британияда ўтказилган жаҳондаги энг йирик мусобақалардан бири бўлган «Кембрія патрули» танловида иштирок этган 34 давлатдан 123 жамоа ичидаги 1-йуринни кўлга киритди.



Ҳалқаро армия ўйинларида ҳарбий хизматчилар 32 мамлакат қатнашган мусобақаларнинг 12 та йўналиши бўйича иштирок этиб, 6 та совринли ўринни эгаллади.



Бугун ҳарбий хизматчиларнинг 338 нафар фарзанди имтиёзли квота асосида олий ўқув юртларида ўқимоқда.



Ўзбекистон Қуролли Кучлари Global Firepower томонидан тузилган, 136 мамлакат Қуролли Кучлари иштирок этган дунёning энг кучли армиялари рейтингидаги 9 погона юқорига кўтарилиб, 39 ўринни эгаллади.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

ВАТАН – МУҚАДДАС, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Мард ва жасур аждодлар анъанасига содиқ бўлишга ундаи

**Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси
Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмларда ҳам катта
қизиқиши билан ўрганилмоқда.**

Подполковник Ф. Эгамбердиев
командирлик қилаётган ҳарбий
қисмда бўлиб ўтган тадбир ҳам ана
шу мавзуга багишланди.

Сурхондарё вилояти ҳокими
ўринбосари Р. Чориев, Жарқўргон
тумани мудофаа ишлари бўлими
бошлиги подполковник К. Тош-
пўлатов, Маънавият ва маърифат
маркази Жарқўргон тумани бўлими
раҳбари У. Убайдуллаев ва бошқа-
лар кейинги йилларда мамлака-
тимиз мудофаа қудратини янада
ошириш борасида кўрилаётган чо-
ра-тадбирлар миллий армиямизни
замонавий техника ва қурол-яроғ
билан таъминлаш, ташки таҳдид
ва ҳавф-ҳатарлардан ишончли
ҳимоя қилишда юксак самаралар
бераётганини таъкидлadi. Давла-
тимиз раҳбарининг Янги йил ара-
фасида Парламентта мурожаатида
ҳам ўтган йили барча тармоқларда
эришилган ютуқлар чукур таҳлил
қилиниб, галдаги вазифалар белги-
лаб берилди, жумладан, Ватанимиз
мудофаа қудратини янада юксал-
тириш ўйлида амалга оширилган
ислоҳотларга алоҳида эътибор
қаратилди.

Бу жараёнда янги Мудофаа док-
тринаси қабул қилингани, ҳудуд-
ларда ҳарбий-маъмурлиқ секторлар
ташкил этилгани, Қуролли Кучлар-
ни тезкор-стратегик бошқаришининг
замонавий тизими яратилиб, жан-
говар ва ўқув тайёргарлик сифат
жиҳатидан янгиланаётгани ҳам
Ватанимиз ҳавфисизлиги ва ҳудудий
яхлитлигини, ҳалқимизнинг тинч
ва осойишта ҳаётини таъминлашда
муҳим омил бўлаётir.

– Президентимизнинг Олий
Мажлисга Мурожаатномаси дунёда
ҳавфисизликка таҳдидлар кучайиб
бераётган бир даврда жамияти-
мизни янги босқичда юксалтириш,

АМИР ТЕМУР АВЛОДЛАРИМИЗ

**Фарғона шаҳрида Шарқий ҳарбий округ ва Ўзбекистон ёшлар
иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигига «Амир Темур авлодла-
римиз» шиори остида акция ташкил этилди. «Ватанпарварлик
оилиги» доирасида ўтказилган тадбирда кўплаб юртдошларимиз
фаол иштирок этди.**

Ҳарбий оркестрнинг тантанавор мусиқалари остида даврага
йигилган фарғоналиклар буюк соҳибири Амир Темур босиб ўт-
ган ҳаёт йўли, олтин меросимизга айланган «Темур тузуклари»
борасидаги саволларга жавоб берди.

«ВАТАНПАРВАРЛАР» БОГИДА

**Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, вилоят Бандлик бош бошқар-
маси ҳамда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси билан ҳамкорлик-
да Қарши шаҳридаги «Ватанпарварлар» боғида бўш иш ўринлари
ярмаркаси ўтказилди.**

Ярмаркада Қуролли Кучлар сафидан захирага бўшатилган ҳар-
бийлар ҳамда Мудофаа вазирлигининг пенсионерлари қатнашди.
Унда иштирок этганларнинг 148 нафари ишга жойлашиш учун
йулламна олди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ АЁЛЛАР ФОРУМИ

**Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Марказий ҳарбий округ қў-
мандонлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши
ҳамкорликда ҳарбий хизматчи аёлларнинг форумини ўтказди.**

Форумда Ўзбекистон Қуролли Кучларида ҳамда хорижий давлат-
ларда ҳарбий хизматчи аёлларни ҳарбий хизматга чақиришдаги
талаблар, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғриси-
сида маълумотлар берилди. Намунали хизмат қилаётган ҳарбий
хизматчи аёллар тақдирланди.

МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАДНУВЧИЛАРИ ҲАРБИЙ ҚИСМДА

**Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 27 йиллиги
ҳамда Ватан ҳимоячилари куни мұносабати билан Нукус
гарнizonidagi ҳарбий қисмда очик әшиклар куни ўтказилди.**

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида Ва-
тана муҳаббат ва садоқат туйғусини янада камол топтириш, шунинг-
дек, миллий армиямиз билан фахрланиш, унга бўлған ишонч хиссини
мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирга Ҳўжайли
туманидаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилди.

Кўтаринки руҳда ўтказилган тадбир давомида ёшлар энг аввало
ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчиilar учун яратилган шарт-шароитлар
билин яқиндан танишдилар. ўқув биноларида, чавандозлар тайёр-
гарлик майдони ва аскарлар ёткоҳонасида бўлишиди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Негаки тадбир давомида ёшлар ўтасида
«Энг яхши селфи», «Энг яхши мерган», «Алломалар билимдони» ва
«Энг яхши чавандоз» каби танловлар ҳам ўтказилди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

Маҳаллаларда ёшлар билин сухбат

**«Ватанпарварлик оилиги» доирасида Шарқий ҳарбий округ
Андижон вилоятидаги сафарбарлик чақириви резерви батальони
жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Бўз туманидаги
маҳаллаларда «Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли
бўрчидир!» шиори остида давра сухбатлари ўтказди. Унда ўқувчи
ёшлар, маҳалла фаоллари, нуронийлар иштирок этди.**

– Шу йил мактабни тамомлайман, ҳарбий бўлиш ниятим бор.
Учрашувда ҳарбийлардан билим ўртига ўқишига топшириш тар-
тибларини билиб олдим, – дейди ўқувчи Сардорбек Камолдинов.
– Келажакда ўртга содиқ ҳарбий бўлишга иштиёқим янада ортди.

Учрашувда «Ватанпарварлик оилиги»нинг мазмун-моҳияти,
ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида ўзаро сух-
батлар олиб борилди.

– Ҳарбий қисмлар, маҳалла ҳамда таълим муассасаларининг
ўзаро ҳамкорлиги фуқароларда ватанпарварлик руҳини янада
оширища яхши самара бермоқда. Ёшларнинг ҳарбий соҳага доир
фикрларидан уларнинг ушбу соҳага қизиқиши билан янада ортаётганинг
гувоҳи бўлдик, – дейди капитан Улуғбек Янгив.

Мусулмонбек ИБРОҲИМОВ

МУРОЖААТНОМА РАҶАМЛАРДА 2019 ЙИЛДА

138 триллион сўмлик инвестиция ўзлаштирилади;

 **ҳорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларга етказилди;**

 **142 та замонавий корхона ишга туширилади;**

 **экспорт ҳажми 18 миллиард долларга етади.**

ШАРАФЛИ БУРЧДИР!

ГАНДУМТОШДА ФЕСТИВАЛЬ, КҮПКАРИ...

Жиззахда вилоят ҳокимлиги, Марказий ҳарбий округ, Жиззах гарнizonи, Мудофаага күмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах вилоят кенгашлари ҳамкорлигига «Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Шароф Рашидов тумани Гандумтош қишлоғида ташкил этилган фестивалда мамлакатимиз Қуролли Кучлари жанговар салоҳиятини акс эттирувчи ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, қутқарув анжомлари кўргазмаси намойиш этилди.

Фестиваль доирасида ёшларга мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ватан ҳимоячиси бўлишининг шарафи ва масъулияти ҳақида кенг маълумот беришга қаратилган қатор маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилди.

– Ҳарбий оркестр садолари остида аскарларнинг саф кўриги, буюк боболаримиз Жалилiddин Мангуберди ва Амир Темур жанг санъати ҳақидаги саҳна кўринишлари биз ёшларни тўлқинлантириб юборди,

– дейди Жиззах енгил саноат касб-хунар коллежи ўқувчиси Зоҳид Отакулов. – Аскарларнинг қўл жангси санъати, спорт-



нинг ҳарбий-техник турлари бўлиш истагимни янада мусобиҷида. бўлиш истагимни янада мусобиҷида.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.



БАХТ СЎЗИ ТИНЧЛИККА ҲАМНАФАС

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Ҳарбий-техник институтида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорликда «Ватан муқаддас, унинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш барчамизнинг бурчимиздир» номли анжуман бўлиб ўтиди. «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида ўтказилган тадбирда Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари, Республика Маънавият ва маърифат маркази вакили сўзга чиқиб, мамлакатимиз мудофаа қудрати, миллий армиямизнинг жанговар салоҳияти, юртимиздаги тинч ва барқарор ҳаёт, бурч ва мажбурият ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби бир қатор мавзуларда маъруза қилди.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган анжуманда тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишиди.

**Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.**



Дўсту қардошлиқ риштаси

Ўзбекистон ва Тожикистон халқларини кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, ягона дин, ўхшаш маданият, урф-одат ва анъаналар бир-бирига мустаҳкам боғлаб туради. Азалий қўшничилик ва ўзаро ҳурмат анъаналари давлатлар ўртасидаги муносабатларда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилияпти.

Чегарадош давлатлар билан яқин қўшничилик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ДХХ Чегара қўшилларига қарашли Фарғона вилоятидаги ҳарбий қисм ташаббуси билан Тожикистон Республикаси давлат чегара қўшиллари ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари мамлакатимизга тақлиф қилинди ва Кўқон шаҳрининг диккатта сазовор жойларига саёҳат ташкил этилди.

Дастлаб Кўқон маданияти тарихи давлат музейига, сўнгра Ҳамза ва Муқимий ўй музейлари ҳамда Жоме амалий санъат музейига саёҳат ташкиллаштирилди.

Куннинг иккинчи яримда меҳмонлар Кўқон шаҳар мусиқали ва драма театрига боришиди, болажонларга шаҳар ҳокимлиги томонидан совғалар улашилди.

Катта лейтенант Ҳамза ЯКУБОВ

ВАТАНПАРВАРЛИК – БАРХАЁТ ТУЙГУ

Шайхонтохур туманинда Тошкент алоқа колледжиде «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида кўргазмали маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Подполковник Журъат Якубов командирлик қилаётган ҳарбий қисм шахсий таркиби иштирокида ҳарбий оркестр садолари остида очилган тадбирда ўқувчилар дастлаб ҳарбий анжомлар билан танишидилар. Хусусан, ҳарбий қуроллар, ҳарбий кийим-кечаклар, дала-ўқув машғулоти анжомлари ва алоқа воситалари ҳакида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган маълумотларга эга бўлишиди.

Ҳарбий хизматчилик томонидан ўқувчиларга тақдим этилган кўл жангига усуслари, хизмат итларининг чиқиши ва бошқа машқлар барчанинг эътиборини тортди. Даврада янграган кўй-қўшиқлар эса дилларга байрам кайфиятини улашиди.

Зарина НИШОНОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



Муносиб ворислар мусобақаси



Чирчик олий танк қўмондон-лик-муҳандислик билим юритида «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида курсантлар ўртасида «Биз, Темурбек ворисларимиз!» номли кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Унда билим юртининг барча босқичларидан жами саккиз нафар курсант автоматдан нишонга ўқ отиш, автомобиль техникалари меъёрларини бажариш, миллий таомлар тайёрлаш бўйича ошпазлик маҳорати намоёниши, «Темур тузуклариз» асари бўйича интеллектуал беллашув ҳамда мазкур асар асосида эркин мавзуда саҳна кўриниши шартлари бўйича мусобақалашди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, «Энг билимдан курсант», «Энг илғор техник», «Энг истеъодли курсант», «Энг яхши мерган», «Энг яхши ошпаз» номинациялари бўйича совриндорлар ва голиблар аниқланди.

Шунингдек, кун давомида ҳарбий хизматчилик фарзандларининг қишики таътил вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган шахмат-шашка мусобақалари ҳам қизиқарли кечди.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Ватанпарвар» мухбери,
муаллиф суратга олган.

Армия ва ҳалқ бирлигининг ифодаси

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан эълон қилинган «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида ўтказилётган турли маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари армия ва ҳалқ бирлигини кенг намоён этмоқда.

Ҳарбий қисмда ташкил этилаётган ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси, турил учрашув, давра сухбати ва бошқа тадбирлар ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғусини янада юксалтиришга хизмат қилимоқда, – дейди подполковник Б. Мирзаев. – Ахоли, айниқса, ёшлар Ватанга хизмат қилиш шараф ва уни ҳар хил таҳдидлардан асрар мұқаддас бурч эканини янада теран англамоқда.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни арафасида ҳарбий қисмда ташкил этилган китоб ярмаркаси ҳам осойишта ҳаётимиз посбонларига катта қувонч улашиди.

Ҳарбийларнинг дўконлардан ўзлари қизиқсан асарларни излаб топишига вақти бўлмаслиги мумкин, – дейди «Сурхондарё китоб олами» МЧЖ раҳбари И. Айнидинов.

– Шу боис, ҳарбий қисмларнинг ўзида китоб ярмаркаси ташкил этиб, уларнинг бу борадаги эҳтиёжларини таъминлашга кўмаклашыпмиз.

– Соҳибқирон Амир Темур ҳаётига жуда қизиқаман. Анчадан бўён Marsel Брионнинг «Мёнким, Соҳибқирон жаҳонгир Темур» асарини излаб юрган эдим, – дейди капитан Э. Исоков. – Шаҳарда дўконма-дўкон излаб юришга вақт қаёқда, дейсиз. Бугунги ярмаркада ушбу китобни олдим. Энди бу асарни ўқиб чиқаман. Шу йилдан бошлаб, муддатли ҳарбий хизматни ўтаяётган аскарлар ўртасида «Темур тузуклариз» билимдони танловини ўтказиш йўлга қўйилди. Бу асар аскарларимизнинг буюк саркарда бобомиз ҳақидаги билимини ошириб, келажакда мазкур танловда янада иштирок этишида мухим ўрин тутади.



МАРД ЎГЛОНЛАР НОМИ БАРҲАЁТ

ЮРТДОШЛАРИНГ ЁДИДАСАН, ХАЙРУЛЛА!

Бозоров Хайрулла Тўраевич 1976 йил 24 ноябрда Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги Ғалаба қишлоғида ишчи оиласида дунёга келган.

Лейтенант Хайрулла Бозоров 2000 йил 22 апрель куни Фарғона вилоятининг Сўх туманида разведка-қидириув ишларини бажариш чоғида мина портлаши оқибатида ҳалок бўлган.

Бозоровлар оиласи 1978 йил Сирдарё шаҳрига кўчиб ўтгач, Хайрулланинг болалиги шаҳардаги Ёшлик маҳалласида кечди. 1995 йил Сирдарё шаҳридаги 2-(хозирги 47)-сонли умумий ўрта таълим мактабини аъло баҳоларга битиргач, Тошкент олий умумкўшин кўмандонлик билим юртни тамомлади. Ҳарбий хизматни Фарғона вилоятидаги десантчилар қисмida бошлаган.

Хайрулланинг отаси Тўра ака Бозоров бутун меҳнат фаолиятини йўловчи ташиш транспортини бошқариши билан ўтказди. Айни чоғда у нафақада.

Онаси Хосият Бозорова Тошкент чет тиллар институтининг француз тили факультетини тамомлаб, Сирдарё шаҳридаги мактабларда француз тили ўтилмаганлиги сабаб, ўша пайтдаги Сирдарё шаҳрида жойлашган Педагогика институтида иккичи мутахассислик бўйича ўқиб диплом олди. Шаҳардаги мактабнинг бошлангич синф ўқувчиларига сабоб берди. Фарзандидан жудо бўлгач, бир неча касалликларга чалиниб, 2012 йилда оламдан ўтди.

– Хайрулла болалигига жуда шўх эди, – дея хотирлайди унинг устозларидан бири жисмоний тарбия ўқитувчиси Геннадий Хегай. – Лекин шўх бўлса-да, онаси ўқитувчи бўлганини учунни, ҳамма фанларни жуда яхши ўзлаштиради. Бирор марта уй вазифасини тайёрламай келиб гап эшитганини билмайман.

Бошлангич ҳарбий таълим, жисмоний тарбия, чет тили, тарих, география унинг энг севимли фанлари эди. Ўқувчиларнинг фан олимпиадаси олдидан устозлари ўртасида Хайрулла ҳамиша талаш бўлиб келган.

У мактабимизнинг фахри эди. Чунки туман, вилоят миёсёидаги олимпиадаларда доимо етакчилар қаторида бўларди. Бир неча бор республика олимпиадаларида ҳам иштирок этган. Нафқат синфида, мактабида, балки туманда ҳам ўз ўрнига эга эди.

Қўй тўпни мактабимизда ҳеч бир ўқувчим Хайруллачалик яхши ўйнай олмас эди. Гандбол беллашувларида рақиб жамоа устозлари унинг бир ўзига ҳамиша иккни ўйинчи кўриклишга қўйишарди. Жуда чандаст бўлганини учун иккни ўйинчи ҳам уни энгли олмас эди.

Гантеллар билан ишлаш, тошкўтариш ва турнидра тоғтилиши Хайрулланинг энг севимли машгулотларидан эди. Эҳтимол, шу сабабдан ҳам тенгкорлари орасида энг кучлиси, энг чандасти Хайрул-

ла бўлгандир.

Мактабни битириб кетгандан кейин ҳам аввал ўқишидан, кейин ҳарбий хизматдан уйига қайтган пайтларида спорт мусобақалари бўлса, албатта келарди. У ўзи таҳсил олган мактаб ўқувчилари жамоасини қўллаб-кувватлаб, маслаҳатлар бериб туради...

Бир куни Хайрулла ўзи хизмат қиладиган ҳарбий қисмнинг тиббий пунктига ўқув машғулотлари давомида кичик жароҳат олган гуруҳидаги бир аскарни олиб борди. Ўшанда атлас кўйлак кийиб, сочи товонини ўлаётган бир қизни кўрибоқ юраги «жиз» этди. Шундан кейин тиббий пункт яқинидан тез-тез ўтадиган бўлиб қолди. Аммо

мол бозорга кузатиб, «Хайрулла жоннинг тўйига сўйамиз!» деб бир хўқиз олдириб келди.

...2000 йилнинг 20 апрель куни гуруҳ командири лейтенант Хайрулла Бозоров махсус топшириқ олиб, белгиланган жойга гурухи



У командирлик қилаётган махсус гуруҳ Фарғона вилоятининг Сўх туманида разведка-қидириув ишларини бажаришга кириши.

уни бошқа учратмади. Зимдан ундан-бундан суриншириб, шу ерда ишлайдиган сержант опаҳоннинг қизи эканини аниқлади.

Хайрулла қисқа муддатли тавтил билан уйга борганида бор «дардини» онасига айтди. Онаси Хайрулла ҳарбий қисмга қайтиш куни Фарғонадаги синглисига иккни ёнлик мактуб ёзиб, ўғлидан берib юборди. Опасидан салом хатни олган холаси ҳам дарров тогорасини тўлдириб, совчиликка йўл олди.

– Ён кўчадаги қўшимизнинг ўғли: «Хосият опа бизнисига Хайрулла акам телефон қилдилар, Тўра ака билан сизни сўрайти», дега оғзи нафасига тикилгудек бўлиб югориб келиб қолди, – дея хотирлайди Хайрулланинг отаси Тўра ака. – Ўша пайтлари ўйимизга телефон туширилмаган эди, «сотовой» телефон ҳали бўлмаган экан, чоғи-да.

«Дадажон, мени табрикланг, муддатидан аввал катта лейтенантликка тавсия қилиндим. Бир ишни тутгатганимдан сўнг Худо хоҳласа, уйга погонимга учинчи юлдузчани тақиб бораман», деди кувониб. Мен ҳам роса хурсанд бўлдим. Кейин онаси билан гаплашди.

Унга холаси совчиликка борганини, қиз билан учрашганини, бир-бirlарига ёққанини, энди мен билан онаси Фарғонага бориб, фотида қилишимиз мумкин эканини айтди. Онаси бу хушхабардан ўзида йўқ кувонди.

Эртасига қўярда-қўймай, йиккан-терган пулини бериб, мени

билан етиб борди. У командирлик қилаётган махсус гуруҳ Фарғона вилоятининг Сўх туманида разведка-қидириув ишларини бажаришга кириши.

Иккни кун давомида топширилган худуднинг катта қисми заарсизлантирилди. Навбатдаги тозалашдан сўнг, тушлик қилиш учун палаткага қайтиши. Тог каклигининг сайрашига кулоқ берib аскарларидан бирор ортда қолган лейтенант Хайрулла Бозоров ҳам хуш кайфият билан тепаликдан пастга юргарди.

У тозаланган «йўлак»дан қайтар экан, террорчилар томонидан пиёдаларни йўқ қилишга мўлжалланган ва чукурроқ қазиб кўмилганилиги учун мина излагич ҳам аниқлай олмаган минани бехосдан босиб ўтди. Буни «шик» этган товушдан сўнг дарров сезди. Лекин энди кеч бўлганди. Қолаверса, гуруҳ аскарлари бу жойдан ҳали олислашмаган экан. Шу сабабдан аскарларга зарар етмаслиги учун танаси билан дарҳол мина устига ётди. Портглашдан Хайрулланинг танаси бир силкиниб тушди ва у бошини ним кўтариб, нигоҳини ўзи томон югориб келаётган аскарларига қаратди ва жилмайганча, юзини оҳиста тупроқча босди.

Аскарлар дарҳол ярасини тўхаттиш учун зарур муолажани қила солиб, зудлик билан госпиталга етказишиди. Аммо душман минаси ўз ишини қилиб бўлган эди. Оғир жароҳатдан сўнг лейтенант Хайрулла Бозоров 2000 йилнинг

22 апрелида Фарғонадаги госпиталда жон берди.

– Кечагидек эсимда, 22 апрель куни эди ўшанда, – дея хотирлайди Тўра ака. – Ўйимизга икки нафар – бири нотаниш, яна бир кўз таниш – ўзимизнинг туман мудофаа ишлари бўлимида ишларди чоғи, икки майор эшик қоқиб келиб қолишиди. Мен Хосиятта дастурхон ёзиши буюри, ҳарбийларни ичкарига чорладим.

– Раҳмат, Тўра ака, вақтимиз жуда зик, Фарғонага қайтиш керак, – деди нотаниш майор ва бирга келган шеригига қараб, «Қолган гапни сен айт», дегандек шеригига ишора қилди.

– Тўра ака, сиз ҳам тадоригингизни кўринг, Фарғонага борасиз, машина тайёр, – деди иккичи меҳмон.

– Ҳа, шундай... лейтенант Хайрулла Бозоров жароҳатланиб... госпиталга тушиб қолди... Сизни унинг олдига олиб бориш менга топширилган... қанча тез йўлга отлансан, шунча яхши бўлади, – деди тутила-тутила Фарғонадан келган майор кўзларини Тўра акадан яшириб.

Хосият опанинг бир қўлидаги пиёла, бошқасидаги чойнак «қарс» этиб ерга тушиб, чил-чил синди. Сўнгра ўзи ҳам «гурс» этиб, «Вой» деганча ерга куладио ҳушини йўқотди. Қўни-қўшни йиғилди. Бири; «Тез ёрдам»га хабар қилиш керак», деса, бошқаси, «Шифохонага олиб бориш керак», дейди. Яна бири, «Озига сув сепиш керак», деса, бошқаси «Бошида ўралашмандлар, унга ҳаво керак», дейди.

Хайрулланинг тўйига деб олинган хўқиз, жанозасига сўйилди. Ота-она учун бу қанчалик оғирлигини тасаввур қилиш жуда қийин...

Шу-шу, Хосият опа, ўғлининг вафотидан сўнг тез-тез бетобланиб қоладиган бўлиб қолди. Шунча дард, фам-ситам барибир ўз сўзини айтди, Хосият опанинг дунёдан бокий дунёга олиб кетди...

Тўра ака Хайрулладан ташқари 2 ўғил, 2 қизни камол топтириб, уйлантириди, турмушга узатди. Хозир 9 нафар набираси камол топмоқда.

Хайрулла Бозоров ўқиган мактабда унинг номига хона-музей ташкил этилганини бориб кўрдик. «Маънавият хонаси» деб аталувчи бу хонада Хайрулла учун бир бурчак ажратилиби. Суратлари илинган. Унинг таржимаи ҳоли қисқагина қилиб ёзиб қўйилган.

Мустақиллигимиз, юртимиз тинчлиги, ҳалқимиз осойишталиги учун жон фидо қилган бундай мардларнинг хотирасини агадайлаштиришдек эзгу ишлар шахсан давлатимиз раҳбарининг эътиборида! Қолаверса, Сирдарё ҳалқи ҳам ўз қаҳрамонларини ҳеч қаҷон унутмайди.

Абдужалол ҚАЮМОВ

ЮРТ ЎГЛОНИ – ҚЎРҒОНИ

ОДДИЙ АСКАРЛАР ЎРТАСИДА

«Илғор мутахассис» кўрик-танловининг ғолиблари аниқланди!

Мудофаа вазирлиги тизимида муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида илк бор ўтказилган «Илғор мутахассис» кўрик-танловидан асосий мақсад навқирон посбонларимизнинг ўз мутахассисликлари бўйича маҳоратларини синовдан ўтказиш; букилмас матонат, абжирлик, ташаббускорлик – қурол-аслаҳалар, зирҳи ва жанговар ҳарбий техникалардан фойдаланиш, тактик қўнималарини сайқаллаш, экстремал шароитларга бардошлигини намоён этиш, шунингдек, барча ҳарбий округдан келган сафдошлари билан тажрибалар алмашиш, Ҳарбий қасамёдга садоқат ва ҳарбий-ватанпарварлик туйгуларини юксалтиришдан иборат бўлди. Кўйида илғор аскарлар билан танишасиз.

ЯККАЛИК БАҲСЛАРДА:

«Энг илғор мутахассис Т-62 танкининг мўлжалга олувчи оператори» – курсант Иброҳим Жўрабоев, Жануби-гарбий махсус ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис Т-62 танкининг механик-ҳайдовчиси» – курсант Аҳрорбек Акрамов, Жануби-гарбий махсус ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис БМП-2 мўлжалга олувчи оператори» – курсант Фиёсбек Матқозиев, Жануби-гарбий махсус ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис БМП-2 механик-ҳайдовчиси» – курсант Муҳаммаджон Қўшмуров, Жануби-гарбий махсус ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис БТР ҳайдовчиси» – курсант Жавоҳир Тошмуродов, Тошкент ҳарбий округи;

«Энг илғор мутахассис Т-64, Т-72 танкларининг механик-ҳайдовчиси» – курсант Садамин Нурбеков, Марказий ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис БТР пулемёти мўлжалга олувчиси» – курсант Тоиржон Зокиржонов, Марказий ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис Т-64, Т-72 танкларининг мўлжалга олувчи оператори» – курсант Акмалхон Турсунов, Марказий ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис радиацион кимёвий биологик муҳофаза бўйича» – курсант Достон Маликов, Марказий ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис алоқачи» – курсант Иzzатбек Аллашукоров, Марказий ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис сапёр» – курсант Жасурбек Номозалиев, Марказий ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис мерган» – курсант Жамшид Олимов, Жануби-гарбий махсус ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис пулемётчи (РПК)» – курсант Санжар Турсункулов, Марказий ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис пулемётчи (ПКМ)» – курсант Шоҳруҳбек Ортиков, Марказий ҳарбий округ;

«Энг илғор мутахассис гранатомётчи (РПГ-7)» – курсант Азаматжон Акбаров, Марказий ҳарбий округ.



Курсант Жавоҳир ТОШМУРОДОВ:

– Барча ҳарбий округдан муносаб иштирок этган ва танлов шартларига аъло даражада ҳозирлик кўрганини амалда исботлаган сафдошларим орасидан «Энг илғор мутахассис БТР ҳайдовчиси», дея эътироф этилганимдан хурсандман. «Илғор мутахассис» кўрик-танлови бизнинг миллий армиямиз сафларида юқори даражадаги жанговар шайлик, ҳар қандай вазият ва шароитда абжирлик ва аниқлик билан хизматни ўташ лаёкатимизни ошириди.

Курсант Муҳаммаджон ҚўШМУРОДОВ:

– Бу танлов орқали ҳарбий хизмат чоғида аскатадиган кўплаб тажрибаларни ўзлаштиридим. Тенгқурларимнинг пухта тайёргарликларини кўриб қувондим. Кўрик-танловда биз, етук ҳарбий мутахассис бўлиш учун нималарни янада чуқур ўрганишимиз лозимлигини англаб етдик. Ватан ҳимоячиси бўлишдек машқат ва шараф хиссини туйдик, профессионал ҳарбий хизматчи бўлиш орзусини дилга тугдик. Мен, шартнома бўйича ҳарбий хизматда қолиб, Ватанимга хизмат қилмоқчиман.

ГУРУХ ТАРКИБИДА:

«Энг илғор АГС ҳисоб рақами»

курсантлар – Исмадияр Ҳайдаров, Сирожиддин Ҳайтов, Жавоҳирбек Тўхтаев, Шарқий ҳарбий округ;

«Энг илғор СПГ-9 ҳисоб рақами»

курсантлар – Санъатжон Юлдашев, Ҳосилбек Холбоев, Зокиржон Отажонов, Шарқий ҳарбий округ;

«Энг илғор кўчма зенит ракета комплекси (ПЗРК) секцияси»

курсантлар – Мирзабек йўтамов, Аҳроржон Абдуманобов, Сардор Ибрагимов, Бекдавлат Қувонов, Жануби-гарбий махсус ҳарбий округ;

«Энг илғор ЗУ-23-2 ҳисоби»

курсантлар – Диёр Кенжаев, Лазиз Ҳалилов, Рустам Ўринов, Зоҳиджон Ўронов, Бобур Рўзиев, Марказий ҳарбий округ;

«Энг илғор радиацион кимёвий биологик муҳофаза ҳисоби»

курсантлар – Давронбек Ибдуллаев, Қамариддин Норбоев, Камолитдин Ахматов, Шарқий ҳарбий округ;

«Энг илғор мұхандислик-разведка гурухи»

курсантлар – Миржалол Ўсманов, Азизбек Боймаматов, Мехриздин Салимов, Муртазо Холмирзаев, Муҳаммадамин Жуманазаров, Шомунур Аҳмедов, Шарқий ҳарбий округ;

«Энг илғор гаубица ҳисоби»

курсантлар – Шоҳруҳбек Назаров, Фиёсiddин Обидов, Собир Омонов, Отабек Турсыналиев, Бекзод Юлдошев, Жануби-гарбий махсус ҳарбий округ;

«Энг илғор миномёт ҳисоби»

курсантлар – Наврӯзбек Қулмуров, Диёрбек Обидов, Жаҳонғир Убайдуллаев, Улуғбек Амиров, Жануби-гарбий махсус ҳарбий округ;

А. ОЧИЛОВ,

А. ОМОНТУРДИЕВ

«Уч юз ўн уч асил зотли, шижаатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштирудим. Бирлик-иттифоқлари шундай эдики, ҳаммалари гүё бир тандек эдилар. Барчаларининг мақсадлари, раъйлари, сўзлари ва ишлари битта эди.

«Темур тузуклари»дан



«ЭНГ ИЛГОР МУТАХАССИС» КҮРИК-ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ

БУЮК АЖДОДЛАР ИЗИДАН

Миллий армиямиз интеллектуал салоҳиятли, профессионал тайёргарликка, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга ҳарбий хизматчили билан қудратли. Тўмарис, Спитамен, Широқ, Махмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобур сингари буюк аждодлар, миллий қаҳрамонлар юртимизни, миллатимизнинг гурури, шон-шавкатини ҳимоя қилган. Улар ҳеч качон ёвузлик ёки урушни ёқламаганлар, аксина, Ватанини ҳимоя қилиш учун кўргул оғланлар, юртсон тинчлик ўрнатиб, илмни, бунёдкорликни ривоҷлантириш, комил ва ватанпарвар инсонларни тарбиялашга эътибор қараштаганлар. Бугунги юрт ҳимоячилари ҳам улуг аждодларимиз мардлиги ва оқиллигини ўзларига дастуриламал билиб, Ватанимиз осудалиги, ҳалқимиз фаровонлигини таъминлашга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиб келяптилар.

Қуролли Кучлар миқёсида ҳар йили ўтказилиб келинаётган «Энг илгор мутахассис» кўрик-танловида ана шундай фазилатларга эга энг сара ҳарбий хизматчилиар иштирок этиб, ғолиблик учун баҳс олиб бордилар.

Қўйида танловнинг 2018 йилги республика босқичида муваффақиятли қатнашиб, ўз кўшин тури ва мутахассислиги бўйича ғолибликни кўлга киритган ҳарбий хизматчилиар билан танишинг.

Мудофаа вазирлиги умумқўшин қўшилмалари ва ҳарбий қисмларидан:

«Энг илфор ҳарбий қисм (бригада) командири» – полковник Дилшод Чориев (Шарқий ҳарбий округ);

«Энг илфор батальон командири» – подполковник Ўқтам Юдошев (Шарқий ҳарбий округ);

«Энг илфор взвод командири» – майор Даврон Рустамов (Шарқий ҳарбий округ);

«Энг илфор гурӯх командири» – капитан Муҳаммаджон Рашидов (Қуролли Кучлар академияси);

«Энг илфор сержант» – сержант Элмурод Арапов (Шарқий ҳарбий округ).

Артиллерия бўлинмалари ва ҳарбий қисмларидан:

«Энг илфор батальон (дивизион) командири» – подполковник Иқбол Маҳкамов (Марказга бўйсунувчи қўшилма);

«Энг илфор взвод (батарея) командири» – капитан Нодирбек Очилов (Марказга бўйсунувчи қўшилма);

«Энг илфор гурӯх командири» – катта лейтенант Одилжон

Адизов (Марказга бўйсунувчи қўшилма);

«Энг илфор сержант» – кичик сержант Дониёр Мадалиев (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ).

Қуруқлиқдаги қўшинлар ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмалари ва ҳарбий қисмларидан:

«Энг илфор взвод (батарея) командири» – майор Юлдош Тоштемиров (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ);

«Энг илфор гурӯх командири» – катта лейтенант Рустам Саттаров (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ);

«Энг илфор сержант» – кичик сержант Шерали Турдиев (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ).

Ҳарбий разведка бўлинмаларидан:

«Энг илфор батальон (дивизион) командири» – подполковник Собиржон Қаландаров (Тошкент ҳарбий округи);

«Энг илфор взвод (батарея) командири» – капитан Муҳаммадбобир Ҳакимов (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ);

«Энг илфор гурӯх командири» – катта лейтенант Абдурасул Охундадаев (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ);

«Энг илфор сержант» – катта сержант Шадимурод Жалекеев, (Шимоли-ғарбий ҳарбий округ).

Умумқўшин қўшилмалари алоқа ҳарбий қисмларидан:

«Энг илфор батальон (дивизион) командири» – подполковник Отабек Козаков (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ);

«Энг илфор взвод командири» – капитан Рустамжон Собиров (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ);

«Энг илфор гурӯх командири» – лейтенант Дадаҳон Муқумов (Марказий ҳарбий округ);

«Энг илфор сержант» – кичик сержант Авазхон Тохижоев (Марказий ҳарбий округ).

Муҳандислик қўшинлари бўлинмалари ва ҳарбий қисмларидан:

«Энг илфор взвод командири» – капитан Умиджон Аллаев (Марказий ҳарбий округ);

«Энг илфор гурӯх командири» – катта лейтенант Аббос Исломов (Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ);

«Энг илфор сержант» – сержант Жалолиддин Муҳиддинов (Тошкент ҳарбий округи).

Умумқўшин қўшилмалари радиацион кимёвий биологик муҳофаза бўлинмаларидан:

«Энг илфор взвод командири» – капитан Жамшид Шукуриллаев (Тошкент ҳарбий округи);

«Энг илфор гурӯх командири» – лейтенант Шаҳбоз Анваров (Тошкент ҳарбий округи);

«Энг илфор сержант» – сержант Алишер Рассақов (Тошкент ҳарбий округи).

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларидан:

«Энг илфор батальон командири» – майор Гулом Раззақов;

«Энг илфор взвод командири» – капитан Алишер Ўрзобеев;

«Энг илфор гурӯх командири» – катта лейтенант Истамжон Болгаев;

«Энг илфор сержант» – кичик сержант Баҳодир Тилобов.

Шунингдек, ДХХ Чегара қўшинлари ва ИИВ Қоровул қўшинларидан ҳам ғолиблар аниқланди.

Майор Ахрор Очилов, «Ватанпарвар» мухбири.




МОЛОДЕЖЬ

СЧАСТЛИВЫЕ ПАРНИ – СЧАСТЛИВОЙ СТРАНЫ

Они родились в независимом Узбекистане. Для них нет ничего дороже своей Родины. Страна заботилась о каждом из них. Служить ей – долг каждого. Узнать настроение, впечатления о службе ребят для нас одна из приоритетных задач. Поэтому побывав в Центральном военном округе, познакомились с военнослужащими, которые проходят срочную военную службу.

СЛУЖБА РОДИНЕ – ПРЕВЫШЕ ВСЕГО



Иброхим
БАЙМУРОДОВ




Шохрух
УБАЙДУЛЛАЕВ

Рядовой Шохрух Убайдуллаев – столичный парень. Из отдела по делам обороны Алмазарского района был призван служить в рядах национальной армии.


– Армия важный этап к началу новой жизни, – говорит Шохрух. – Здесь я приобрел

хандаринской области. Как и многие его сослуживцы мечтает продолжить службу на контрактной основе.

– Мне еще много предстоит узнать, пополнить свои знания – начал диалог Иброхим, – о военном искусстве. Для этого в нашей воинской части



Мустафо
СОАТОВ



Бахтиёр
САИДХОНОВ

много друзей. Воспитал в себе такие качества, как терпение, дисциплинированность, получил массу военных знаний от командиров, которые непременно помогут мне поступить в высшее учебное заведение.

После срочной военной службы Шохрух мечтает поступить на Специальный факультет ТУИТ.

Рядовой Мустафо Соатов родился и вырос в Узунском районе Сурхандарьинской области. С малых лет занимался многими видами спорта. Любит математику и физику.

– Служить в армии – моя давняя мечта, – говорит Мустафо. – учителя в школе рассказывали нам исторические факты о деятельности Амира Темура. Он показал себя не только отличным военачальником, но и деятелем искусства. «Уложения Темура» моя любимая книга.

Рядовой Мустафо Соатов благодарит всех командиров за их колоссальный труд в воспитании парней настоящими мужчинами. Пройдя срочную военную службу Мустафо, хочет остаться служить дальше уже на контрактной основе.

Рядовой Иброхим Баймуродов тоже из Сур-

хандаринской области. Как и многие его сослуживцы мечтает продолжить службу на контрактной основе.

– Мне еще много предстоит узнать, пополнить свои знания – начал диалог Иброхим, – о военном искусстве. Для этого в нашей воинской части

РЕКЛАМА



ЎЗБЕКИСТОН МУДОФАСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ
«ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ
ЖАМОАСИ

барча юртдошлиларимизни
Ватан ҳимоячилари куни
билил самими табриклайди.
Хар қандай оғир шароитда ҳам
юртимиз тинчлиги учун хизмат қилаётган
метин ишодали аскарларимизга,
мамлакатимиз мудофаа курдатини
янада ошириши ўйлида муносаб ҳисса қўшаётган
барча ҳамкасларимизга сиҳат-саломатлик,
олавий тотувлик, эзгу ва шарафли меҳнатларида
куч-қувват ва зафарлар тилайди.



Байрамингиз муборак, тинчлигимиз посонлари!

созданы все условия. Свободное время стараюсь провести с пользой – посещаю нашу библиотеку, которая богата не только военной, но и художественной литературой.

Рядовой Бахтиёр Сайдхонов считает себя счастливым парнем. Служба Родине – для него превыше всего. Мечтает поступить в Ташкентский архитектурно-строительный институт.

– Когда я был призван служить в армию, – говорит Бахтиёр, – больше всех этой новости радовался мой дедушка. Перед отправкой он дал мне свои наставления, помолился за меня. Каждый день службы – это новые впечатления. Это не только военные знания, это жизненные знания, которые помогут преодолеть все трудности.

Бахтиёр хочет внести свой вклад в процветание нашего народа. Государство уделяет огромное внимание развитию туризма. Создавать проекты различных домов, зданий, туристических зон, которые помогут открыть туристический потенциал нашей страны – единственная мечта счастливого Бахтиёра.

Чингиз РАЙМБЕРДИЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

ТАНЛОВ

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»ДАН БАҲРАМАНД ҖАЛБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяни томонидан муддатли ҳарбий хизматчилик ва «Темурбеклар мактаби» ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Темур тузуклари» билимдони иншолар танловига ҳарбий оқруглардан кўплаб ижодий ишлар йўлланмоқда. Ушбу иншолар билан танишиб чиқарканмиз, ёш авлод қалбида боболар маданий меросига эҳтиром, умумбашарий ҳикматлардан баҳрамандлик ва ибрат олиш ҳиссиси жўш урганига амин бўлдик. Кўйида мазкур ижодий ишлардан парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Тошкент ҳарбий оқругидан

«...Амир Темур давлат ишларини юритиша қуидаги тўрт жиҳатта: кенгаш, машварат маслаҳат, тадбиркорлик ва эҳтиёткорлик ҳамда қатъий қарорга доимо амал қиласан. Бобомиз ўз давлатида қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида аддия тизимини яратди. Суд тизими ходими – муҳтасиб ҳозирги Омбудсман кенгрок кўламда бажарив, тўғридан тўғри Амир томонидан тайинланган...»

**Оддий аскар
Аллаёр ЯЛГАШЕВ**

«...Инсоф-имон туйғуси, диёнат, жасурлик Соҳибқирон бобомиз ҳаётининг мазмунини ташкил этиши кўплаб тарихий манбаларда қайд этилган. Амир Темур дунёнинг қарий яримга ҳуқмронлик қиласан бўлса-да, куч тазийик ва зўравонликда эмас, адолатда эканини теран англаган тарихнинг камёб жаҳонгири...»

**Оддий аскар
Абдукарим ҲАСАНОВ**

«...Амир Темур ўз салтанатини диний эътиқод ва қатъий тартиб асосига қурган. У тажрибаси ўлароқ вужудга келган тузуклар ва қонунларга таянган ҳолда давлатда қонун

устуворлигини таъминлаган. Ички ва ташқи сиёсат борасида масъулият билан ёндашган... бобомиз шундай дейди: «Салтанатим ишларининг бир қисми сабр-тоқат билан бўлса, иккичи қисми билим-бильмаслика ва кўриб-кўрмаслика олганим билан битган. Қатъият, сабр-тоқат, чидамлилик, ҳушёрлик ва шижаот билан барча ишларимни амалга оширдим». Аён бўладики, Темур бобомизнинг феъли кенг, ўз мақсади йўлида ҳар қандай тўсикни енгиг ўтишга руҳан тайёр... давлат идораси масаласида салтанат аҳлини ўн икки тоифага бўлган. Бу тоифаларни салтанатнинг ўн икки буржи, давлат корхонасининг нурафшон ойи деб ҳисоблаган...»

Оддий аскар Илес ҲАЛИМОВ

«...Аскарни энг қуий мартабадан энг олий мартабагача тарбиялаб кўтариш тузуғи... АСКАР – бу сўз Соҳибқирон бобомиз даврида ҳам юксак мавқега эга бўлган. Аскарларга бобомиз катта масъулият юклаган, ишонч билдирган. Шунинг учун ҳам оддий аскарлар Амир Темур даврида мингбоши даражасига қадар ҳарбий лавозимга кўтарилиган. Бунинг учун улар кўшинга ўрнан бўладиган иш жасорат, садоқат ва шижаот кўрсатишлари талаб этилган...»

**Оддий аскар
Жуманазар ОҚБОЕВ**

«...Донишмандларда шундай нақл бор: ўз ўрнида кўлланган оқилюна тадбир минглаб лашкарнинг қиличидан кучлироқдир. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур давлатни бошқариша тўқиз улушкини оқилюна тадбирни машваратлар билан, қолган бир улушкини муҳораба орқалигина амалга оширган. Бу кучнинг чин маънода адолатда эканлигига яққол далил. Шуни таъкидлашим лозимки, одамлар қадимдан ёмонликлар, жабр-зулм, истибодд тутайли кўзғолонлар кўтартганлар ва адолатни ҳамиша қўллаб-кувватлаганлар. Амир Темур бобомиз ҳам бир умр эл-юрт равнаки, салтанат барқарорлиги учун жон кўйдирган. Ўз ҳумкини доим адолат тарозисига тортган. Бобомизнинг сиёсатда адолатнинг устувор бўлиши ҳақидаги

Марказий ҳарбий оқругдан

«...Амир Темур лашкарлари ўз худудини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ҳар бир чодирда иккى ёки тўрт нафар соқчи сергак ҳолда навбатна-навбат хизмат олиб борган. Бугун миллий армиямизда хизмат килаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳам айрим жанговар постларда бобомиз давлатида қаби навбатчилик ва қоровуллик хизматини ўташи сақланиб қолган...»

**Оддий аскар
Шаҳбозбек ЖУМАНАЗАРОВ**

«...Донишмандларда шундай нақл бор: ўз ўрнида кўлланган оқилюна тадбир минглаб лашкарнинг қиличидан кучлироқдир. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур давлатни бошқариша тўқиз улушкини оқилюна тадбирни машваратлар билан, қолган бир улушкини муҳораба орқалигина амалга оширган. Бу кучнинг чин маънода адолатда эканлигига яққол далил. Шуни таъкидлашим лозимки, одамлар қадимдан ёмонликлар, жабр-зулм, истибодд тутайли кўзғолонлар кўтартганлар ва адолатни ҳамиша қўллаб-кувватлаганлар. Амир Темур бобомиз ҳам бир умр эл-юрт равнаки, салтанат барқарорлиги учун жон кўйдирган. Ўз ҳумкини доим адолат тарозисига тортган. Бобомизнинг сиёсатда адолатнинг устувор бўлиши ҳақидаги

ҳикматлари бугунги замонимизда ҳам амалда бўлиб, халқимиз жонига оро кирмоқда...»

**Муҳриддин РЎЗИЕВ,
Самарқанд «Темурбеклар мактаби» ўқувчиси**

«...Амир Темур ва темурийлар армияси чорвадорлар қатори косибчилик, ҳунармандчилик ва деҳқончилик билан машғул бўлган ўтроқ аҳолидан ҳам аскар тўплаган. Қўшинда ҳарбий кучларнинг асосини ташкил этувчи отлиқ аскарлар билан бир қаторда пиёдалар ҳам хизмат қиласан. Соҳибқирон бобомиз Шарқда биринчилардан бўлиб ўз армияси курдатини ўт сочар курол – тўп билан бойитган. Темурийлар даврида бу куролнинг бошча турлари ҳам жанг амалиётларида кўлланилган турли тарихий манбаларда учрайди. Саркарда бобомиз тогли худудларда жанг ҳаракатларини олиб борувчи маҳсус ҳарбий қисм ва бўлинмалар ташкил этган...»

**Шоҳруҳ ҚҰЛМИРЗАЕВ,
Самарқанд «Темурбеклар мактаби» ўқувчиси**

Таҳририятимизга иншолар келишда давом этмоқда. Танлов голиблари билан газетамизнинг келгуси сонларида танишишингиз мумкин.

**А. ОМОНТУРДИЕВ
тайёрлади.**

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

«ҲАРБИЙ ЛОЙИХА»

лойиҳалаштириш институти давлат
корхонаси жамоаси

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг

27 йиллиги билан барча юртдошлиаримизни, она қиёғимиз тинчлигиги, фуқароларимиз осоийштишалиги ва фаровонлиги йўлида камарбастаҳи хизмат қилиб келаётган мағрӯғ ўғлонларимизни самимий күтлайди.

Жаннатмакон Ватаннимиз осмони ҳамиша мусаффо, осоийштишалиги барқарор, бунёдкор ҳалқимиз соғе ва омон бўлсин.

Юрт посроналини омағ ва зафар тарик этмасин.



НУҚТАИ НАЗАР

ХОТИРЖАМЛИК – ҲАРБИЙЛАР ДУШМАНИ

Ҳозир рейтинглар ва танловлар замони. Кимdir ёки қандайдир идора сизнинг қай даражада кучли ёки кучсиз, қай даражада бой ёки камбағал, қай даражада ақлли ёки ақлсиз эканлигинизни аниклаб берса, кимлардир ёки ўзини ҳайъат деб атаган қандайдир гурух ўзининг симпатик ёки антипатик мезони билан сизниғи либ ёки мағлуб деб эълон қиласди. Олдиндан айтиб қўйяй, кимда-ким буни ҳақиқат ва холислик деб қабул қиласа хато қиласди. Чунки рейтинг ўтказувчилар ўртасида қандайдир мақсадни кўзлаган ёки нимандир илгаб-илгамаган инсонлар бўлса, танлов ҳайъатида кимдандир гина-қудрати бор ёки нимандандир умиди бор тирик жонлар бўлади.

Юқорида мен рейтинглар ва танловларга дахлдор бўлмаган соҳанинг ўзи йўқ, дедим. «Ватанпарвар» саҳифаларида ўз чиқишиларни билан мунтазам равишда қатнашар эканман, Ўзбекистон армиясига дахлдор рейтинглар ва танловлар ҳақида ҳам фикр билдириласлигим мумкин эмас. Global Firepower рейтингига кўра Ўзбекистон дунёнинг

энг қудратли армиялари рўйхатида 39-уринда экан. Бу поғона мақтаниш, мағрутланиш ва хотиржамлик учун асос бўла олмайди. Аксинча, ҳушёрлик, ҳушёрлик ва яна ҳушёрлик зарур. Қалтис ва зиятлар юз бергудек бўлса, рейтинг ёрдам бермайди. Масалан, Арманистонга қараганда Озарбайжоннинг рейтинги жуда баланд.

Армиямизни Марказий Осиёда етакчи ҳарбий куч-қудрат ва қалқонга айлантира олсаккина минтақадаги ўз ўрнимизни хис этган бўламиз.

Эътибор беринг, ҳатто Тоғли Қорабоғ фожиаси юз берганида ҳам ҳарбийлар ва ҳарбий техникиканинг кўплиги жиҳатидан Боку Ереванга қараганда устун эди. Бунинг устига Кавказорти ҳарбий округи ҳам Бокуда жойлашганди. Гап шундаки, ташқарида туриб ҳаракат қиласидаги ғаразли куч ҳаммаёқни телба-тескари килиб юбориши мумкин. Ҳозир Арманистонда чет эллик ҳарбийлар бор. Аслида 2010 йилдаги ўш воқеаси

ҳам ғаразли куч сценарииси асосида тайёрланган эди. Ўзбекистон ўта ҳушёрлик кўрсатганилиги оқибатида бу фитна барбод бўлди.

Жаҳондаги геосиёсий вазият мунтазам ўзгариб турибди. Бунинг устига шовинистик кучлар ўз мақсадларида эришмаган тақдирда ҳам ҳали-ҳамон ўзларининг ғаразли режалари ва бузғунчилик

вотирдаман. Уларнинг оммавий ахборот воситалари ҳамон эски хўжайнининг шайтоний маккорлигини эслатиб турибди.

Энди бошқа давлатлар аввало, МДҲга аъзо давлатлар ҳарбийлари билан биргаликда ўтказилган танлов машгулотларида келсак, тўғриси, улар ким ғолиб чиқиши ёки ким мағлуб бўлиши учун ўтказмаслиги керак. Яхшиси, биргаликда ҳарбий машгулотлар ўтказилганига ва бунда томонлар ҳарбий маҳоратларини биргаликда синааб кўрганлигига ургу берилгани маъқул. Бунга сабаб шуки, худди иход ахлалири ўртасида бўлганидек, юқори мақомдаги ҳарбийлар ўртасида ўтган сафар биринчи ўринни Қирғизистонга берган эдик, энди бу сафар Тожикистонга берайлик дейдиганлар топилади. Бу ўша ғолиб томонни чалғитади ва унда хотиржамлик пайдо қиласди. Хотиржамлик – ҳар қандай ҳарбийнинг ашаддий душмани. Айтмоқчиманки, ўринларни белгиламасдан ҳам стратегик ҳамкор давлатлар билан биргаликда ҳарбий машгулотлар ўтказса бўлади.

Хўш, Ўзбекистон Қуролли Кучлари жанговарлигини оширишнинг, қўшин турлари тайёргарлик даражасини синааб кўришнинг, пиёдалар, танкчилар, артиллериячилар, десантчилар, учувчилар ва бошқа ҳарбий хизматчилар маҳоратларини амалий кўридан ўтказишнинг энг маъқул жиҳатлари қандай ҳолатда мақсадга мувофиқ?! Аввало, юқори даражада жанговар шайлика кетлирилган ҳарбий бўлинмаларнинг маҳсус-тактик машқларида, ҳарбий округларда вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган ҳарбий куч ва тузилмаларнинг синов машқларида, Ўзбекистонда аҳоли сонининг кўплиги, иллари Туркестон ҳарбий округи штаби Тошкентда жойлашганлиги, Мудофаа ишлари вазирлиги минтақада дастлаб бизда ташкил этилганлиги, Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-дипломатик ва бошқа имкониятлари қулалиги Қуролли Кучларимизни тез шакллантириб ва мустаҳкамлаб боришида мухим аҳамият касб этди. Армиямизни Марказий Осиёда етакчи ҳарбий куч-қудрат ва қалқонга айлантира олсаккина минтақадаги ўз ўрнимизни хис этган бўламиз.

Мен ўзим учун хулоса чиқарар эканман, мустақил ташки сиёсатда танлаган йўлиминиз ўзгарамаслигига яна бор ишонч ҳосил қиласди. Турли ҳарбий-сиёсий тизимларга кўшилиб, ўзга юртлардаги қонли низоларга аскарлар ва ҳарбий техникалар юбориши билан хисса кўшаётгандарнинг ҳоли не кечачётгандарнинг кўриб турибиз. Билмадим, ким қандай фикрлаб, қандай хулоса чиқаради, аммо мен ҳамон буюқдевлатчилик ва буюқмиллатчилик шовинизми билан заҳарланганлардан ха-

Мен ўзим учун хулоса чиқарар эканман, мустақил ташки сиёсатда танлаган йўлиминиз ўзгарамаслигига яна бор ишонч ҳосил қиласди. Турли ҳарбий-сиёсий тизимларга кўшилиб, ўзга юртлардаги қонли низоларга аскарлар ва ҳарбий техникалар юбориши билан хисса кўшаётгандарнинг ҳоли не кечачётгандарнинг кўриб турибиз. Билмадим, ким қандай фикрлаб, қандай хулоса чиқаради, аммо мен ҳамон буюқдевлатчилик ва буюқмиллатчилик шовинизми билан заҳарланганлардан ха-

Мен ўзим учун хулоса чиқарар эканман, мустақил ташки сиёсатда танлаган йўлиминиз ўзгарамаслигига яна бор ишонч ҳосил қиласди. Турли ҳарбий-сиёсий тизимларга кўшилиб, ўзга юртлардаги қонли низоларга аскарлар ва ҳарбий техникалар юбориши билан хисса кўшаётгандарнинг ҳоли не кечачётгандарнинг кўриб турибиз. Билмадим, ким қандай фикрлаб, қандай хулоса чиқаради, аммо мен ҳамон буюқдевлатчилик ва буюқмиллатчилик шовинизми билан заҳарланганлардан ха-

**Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчиги**

РЕКЛАМА



ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

**мамлакатимиз мудофаа қудратини
янада ошириши, унинг тинчлиги, осойнитатиги
ва чегаралари дахлисизлигини таъминлаши
йўлида фидокорона хизмат қилаётган
барча ҳарбийларни**

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

билин саимий муборакбод этади.

**Жонажон юртимиз ҳамиша тинч,
мард ва жасур аскарларимиз сог,
миллий армиямиз бундан-да юксак
кудратга эга бўлсин!**



ХАЛҚАРО ШАРХ

КУЧЛИЛАР ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Инқироз гуруҳи хулосаси

Кириб келган 2019 йил жаҳон ҳамжамиятининг эътибори дунёдаги қайси мамлакат ва минтақадаги вазиятга қаратилади? Бу ҳақда Брюсселда жойлашган «Халқаро инқироз гуруҳи» ташкилоти ўз тахминларини илгари сурди. Бу савол замираша нотинчлик, кескинлик, ижтимоий-сийёсий инқироз ётади. Демак, Одам ато авлодлари қирпичоқ бўлишида давом этади. Дунёга ким хўжайнинлик қиласи, деган даъво авж олаверади.

«Дунёдаги тартиб бузилган ва халқаро ҳамжамият АҚШнинг кудратига шубҳа билан қарамоқда. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун ташкил этилгайн БМТ каби халқаро ташкилот ўзининг функциясини йўқотди. Шунингдек, адолатни тъминловчи ташкилотлар, хусусан, Халқаро жинойи суд ҳам эътиборга олинмаяпти», – дейилади ташкилот тарқатган материала. Кучлиларнинг ҳақиқати адолат тарозиси посангиси ни бузмокда.

«Халқаро инқироз гуруҳи» эксперлари фикрича, 2019 йилда халқаро ҳамжамиятининг эътибори Яман, Афғонистондаги вазиятга, АҚШ ва Хитой муносабатларида кескинликка, Саудия Арабистони, АҚШ ва Исломийнинг Эрон билан қарама-қаршилигига, Суря, Нигерия, Жанубий Судан, Камерун, Украина ҳамда Венесуэладаги ҳолатга қаратилади.

АҚШ ва Эрон

Интернетда 2019 йил бўйича

Инқирозли 10 минтақа қуйидагида кўриниш олиши мумкин:

1. Яман.
2. Афғонистон.
3. АҚШ ва Хитой.
4. Эрон.
5. Суря.
6. Нигерия.
7. Жанубий Судан.
8. Камерун.
9. Украина.
10. Венесуэла.

Stratfor прогнози деган материалга кўзим тушди. Унда юқорида келтирилган айрим минтақалар муммалири таҳлил этилган.

АҚШнинг Эронга нисбатан кўллаётган санкциялари таъсири қандай? Аввало АҚШ гибрид уруш ёрдамида Эронни музокара олиб боришига мажбур этмоқчи. Аммо бундай сиёсий механизм иш бермаяпти. Рақибига жавоб тариқасида Эрон разведкаси ва хавфсизлик хизмати қўшимча кучга эга бўлади. Босим ўсиб бориши жараёнида мамлакат мудофаа стратегиясини мустаҳкамлашга интилади. АҚШ ва иттифоқчилари ҳаракатига қарши Эрон баллистик ракеталар синовини ўтказиши ёки ядро соҳасида

ишларини қайта тиклаши мумкин. Агар шунга зарурат туғилса.

Прогнозда айтилишича, ҳозирча Техрон рақибларига қарши киберуруш йўлидан боради. Яни АҚШ, Истроил ва Форс кўрфазидаги рақибларига шу йўл билан зарба беради.

Хўш, АҚШ қандай йўл тулади? АҚШ Эронни тишиб қўйишига қаратилган стратегиясини иттифоқчиларини икки гуруҳга бўлган ҳолда юритади. Биринчи гуруҳга Эроннинг ҳаракатларидан жиддий ташвишга тушган ва бунга қарши қатъий сиёсат юритишига тайёр мамлакатлар: Истроил, Саудия Арабистони ва Бирлашган араб амирликлари киради. АҚШ ўз стратегиясини амалга оширишда бу иттифоқчилари кўмагига ишонади.

Иккинчи гуруҳда Қувайт, Уммон ва Қатар давлатлари. Улар АҚШнинг стратегик, дипломатик ва иқтисодӣ саъӣ-ҳаракатларини кўллаб-кувватлашади.

Манбаатлар тўқнашуви

Суриядаги фуқаролар урушининг якуни босқичида таъсири доирасини белгилаш ва назоратни кўлга олиш манбаатидан келиб чиқиб, асосан бешта давлат кураш олиб боради. Улар: Туркия, Россия, Эрон, АҚШ, Истроил.

Москва ва Техрон Сурия Президенти Башар Асадни кўллаб-кувватлади. Бундай мадад ҳар қайсиси нинг мақсадига қараб турланади.

Дейлик, Россия Сурия можаросидан Яқин Шарқдаги таъсири доирасини кенгайтириш мақсадида фойдаланади. Демак, мана шу манбаатини тиш-тироғи билан химоялайди.

Эрон эса муаммога бирор агресив ёндашади. Суриядаги кучларини кенгайтиришда, «Хезболлоҳ»ни кўллаб-кувватлашда давом этади. Истроил эса Эроннинг бу борадаги режаларини бузишга интилади. Туркия ва АҚШ Асад ҳокимиётiga қарши позицияда. Бироқ бу масалада ҳар қайсисининг ўз ҳисоб-китоби бор.

Масалан, АҚШ нафақат ИШИДнинг қолган куттанини йўқ қилиш, балки Эроннинг таъсири доирасини ҳам кучисизлантиришга уринади.

Туркия Суриядаги курд кучларини тўхтатишига ҳаракат килади. Бу эса АҚШга ёқмайди. Сабаби ИШИДга ва Эронга қарши курашда Америка курдлар билан иттифоқи. Суриядаги жанг олиб бораётган курд отрядлари эса Анқара учун террорчи ташкилот ҳисобланади. Шунинг учун Туркия Суриянинг шимоли-ғарбидағи Идлиб вилоятини химоя қилишга интилоқда. Айнан Идлиб билан боғлиқ келишмовчилик Туркия, Эрон, Асадга содик Сурия кўшини ва билbosита Россия учун қарама-қаршилик, кескинлик ўчигига айланиси мумкин.

Бошлиган йилнинг хосиятини кечишидан манбаатдормиз. Бироқ куч устунлик қилаётган асрда музокара, тинч ўйлар билан ҳал қилса бўладиган муаммолар ўртасига курол сукилиб кираверади.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА



Курилиш компанияси

Аскар ва сержантларни, офицер ва генералларни, Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийларини ҳамда уларнинг оила аъзоларини, барча ватандошларимизни Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан самимий табриклайди.

Жонажон Ватанимизни химоя қилишдек ғоят шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишда барчангизга катта ютуқлар, оилавий баҳт-саодат тилаймиз.

МАЪРИФАТ - НАЖОТ

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КҮРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Жадид, маърифатпарвар боболаримизнинг кўйида берилаётган битиклари бундан юз йил аввал юртмизда чиқа бошлаган илк газеталарда чоп этилган. Уларнинг юрта чексиз мұхаббат билан йўғирлиган, айнан мудофаа, аскарлик, ҳалқнинг тин ҳәётини химоя қилувга ҳозирлик масалалари бўйича аниқ тақлиф ва мулоҳазалари сизларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Қуроли Кучларимизнинг 27 йиллигини катта тантана билан нишонлар эканмиз, шахид боболаримизнинг руҳлари ҳам шод бўлгай шояд.

ЮРТ ҚАЙҒУСИ (бир ўзбек тилидан)

Туроним, сендан айримлоқ
— менинг учун ўлимим.

Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимидир,

Паноҳим, саждагоҳим,
умидим!

...сен кимсасиз эмассан.
Мана мен, бутун борлигим
билан сенга кўмак қилурга
ҳозир. Мана мен чин кўнгил
билан сенинг йўлингда ўлурга
рози.

Коф тоғлари йўлимда тушса;

Тамуф оловлари қаршумдан чиқса, яна сен
сари кетарман.

Устимга инсонлар эмас, шайтонлар қўшини
келса,

Оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илон-
лари сорилса,

яна сен сари кетарман.

Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкулса,
Зулм ҷўлийнинг темир тиконлари кўзларимга
кирас, яна сени кутқарарман.

Мен сенинг учун тирилдим,
Сенинг учун яшарман,

Сенинг учун ўлурман.

Эй туркликнинг мұқаддас ўчоги!

Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга,
Нафрат сени кўмгани келганларга!

**Абдурауф ФИТРАТ 1917 йил, «Ҳуррият»
газетаси, 18 август, 31-сон**

ЮРТ ҚАЙҒУСИ (Темур алдинда)

Мен ёлғиз ёзиқларимни икрор этарга эмас,
Туронга бердигим заарларни тўламоқ учун
келдим, ХОҚОНИМ.

Мендан нафрат этма!

Эй арслонлар арслони!

Меним ёзуқларимдан ўт,

Мени қўлимин тут,

Белимни боғла, мұқаддас фотиҳангни бер!

Сенинг дунёга сифмаган файратингга онт
ичаманки, Туроннинг эски шараф ва улуғлигини
қайтармасдан бурун аёғларингда ўтирамсан.

**Абдурауф ФИТРАТ «Ҳуррият»
газетаси, 1917 йил, 31 октябрь, 47-сон**

БУТУН РОССИЯ МУСУЛМОНЛАРИ ИККИНЧИ СЪЕЗДИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚДАН

Умуман демократлар (яъни
большевиклар) туркистонли-
ларни кишига санамайдilar,
ўз кишиларини қарамоқ-
ни ўзларига топширишни
маъқул кўрмайдilar. Шул
сабабдан Туркистонга ўз
тақдирини ўзи ҳал қилишга
муҳторият бермоқ, онда мусу-
лмондан ихтиёрий полклар
ташқил қilmok, кирғизлар ора-
синдан рус аскарларини оlib, аларни ўрнига
мусулмон аскарларини юбормоқ ҳам кирғizлар
иля бирга тура олмайдурган мұхожиirlарни
кўчиримоқ керак. Шул вақтдагина Туркистон
ҳалқини жабр ва зулмлардан кутқармоқ мумкин
бўладир.

Убайдулла ХЎЖАЕВ, 1917 йил, август



ҒАЛЛА, АСКАРЛИК, ЕР ВА ТАЗМИНОТИ ХАРБИЯ

...аскар масъаласидир-
ки, бу ҳар нарсадин мұхим
ва мунинг умумий бўлуши
лозим. Аммо мусулмонлар
ҳануз шунга ўрганмаган ва
ҳам доҳили фитначилар қора
халқнинг фикридан фойда-
ланиси, эҳтимолки, баъзали
фитналарга сабаб бўлсалар. Ва
ҳам номаълум ва сиёсатан фикри
билкулли нотўғри кишилар қўлига яроқ
туб, эҳтимолки, кутулмаган ёмон ҳодисалар
пайдо бўлса. Шунинг учун таклиф қиласманки,
то ҳалқ ўрганиб, бирор ахвол ўзгаргунча уму-
мий аскар олинимай, кўнгилли тариқинда тарғиб
ва ташвиқ билан ҳам ҳалқнинг ахволига қараб
онинса эди.



**Махмудхўжа БЕҲБУДИЙ «Мехнаткашлар
тovushi» газетаси, 1918 йил, 2 август**

БИЗГА НИМА КЕРАК?

Ҳозирги вазифамизга қарагон-
да бизга энг аввал, аскар
керакдир. Чунки ҳозирги
доҳилий шўриш ва инқиlob
хорижий душманларнинг та-
жовузидан ортиқ бизга қар-
ши ҳатарли бир ҳолга айлан-
макдадурки, бу шўришдан
Ватан ва ҳурриятни кутқариб
олмоқ учун аскарий зўр бир
қувватга молик бўлмоғимиз
мутлақа лозимдир.



**Ҳожи МУИН «Мехнаткашлар товushi»
газетаси, 1918 йил, 13 август**

АСКАРЛИК ТЎҒРИСИДА

Бошлаб ерлик ҳалқдан зобитлар етишти-
риш учун Туркистоннинг ҳар бир шаҳрида
аскарий курс ва мактаблар очиш қерак.
Аскарларнинг майшатларини яхши таъмин



этиш ва баъзи урф-одатларга мудохала қил-
маслиқ ва ўзларини Туркистондан бошқа
шаҳарга юбормаслик каби қоида ва ён бе-
ришлар эълон қилингандан аскар олишнинг
муваффақиятли чиқиши аниқдир.

...аскарлик мұқаддас бир хизматидир.
Аскарлик хизматига кириши билан Туркистон
халқи ифтихор қилишга ҳақлидир. Аскар
бўлмоқ чин ҳуқуққа эга бўлиш демакдир.
Туркистон халқи аскарлик хизматини зўр
шодлиқ ва бутун ихлос билан қарши олар
деб ишонамиз.

**Ҳожи МУИН «Зарафшон» газетаси,
1923 йил, 21 июнь**

1918 ЙИЛДА ФИТРАТ ИСТАГАН ИСЛОҲОТ

Биринчи навбатда лойиҳа аскар-
нинг сонини ортириш маса-
ласига тўхтайдир. Русянинг
буғунги ҳукумати билан туз-
зилган муоҳадага биноан Бу-
хоронинг аскари 12 мингдан
иборат бўлса керак эди,
лекин амир шу муоҳададан
фойдалана билмади. Аскар-
ни тузишда Оврупа усулларини
киргизиш керак: «Аскарий
хизмат ҳамма учун мажбурий
бўлиши лозим». Аскарий хизматга
олнадурган кишилар дўхтларлар қара-
могидан ўтишлари керак. Касаллар, майиблар
бундан озод бўладилар. Аскарий хизмат муд-
дати икки йил. Йигирма икки ёшга этилган ҳар
ким аскарий хизматта мажбуран ҷақириладир.
Бундан кейин лойиҳа аскарларни ўргатиш ва
таъмин қилиш масаласига тўхтадир. Лойиҳа
жуда катта казармалар ишлатишни, Бухорода
кўмандонлар тайёрлаш учун ҳарбий мактаблар
очишини аскар учун хазинадан овқат, кийим
бериши, аскарларга оз бўлса ҳам ойлик маош
бериши талаб этадир.

Файзулла ХЎЖАЕВ,

**«Бухоро инқиlobининг тарихига
материаллар» асари**



БИЗДА АСКАРЛИК МАСАЛАСИ

Бошқалар тарафиндан ҳуқуқнинг топталмови, четларга маҳкум, мазлум
бўлмаслик, чет миллатларга ўз товушингни эшитдури эшитмоқка мажбур этувға
шубҳа йўқум, қўлингандаги қуролинга, аскарий кучининг қараб бўлур.

Кўрамизким Оврупо, Омриқо миллатлари бунчалик шаън-шавкатни фақат ҳар-
бий куч ила қозонишларидир. Оврупо, Омриқо империалистлари Шарқ ҳалқини
факат қурол кучи ила ўзларига асир этишилар ва ҳали ҳарбий куч ила Шарқ
мазлумларини занжирда тутарлар.

Аммо биз шарқли мазлум мусулмонлар эса шу қуролсизлик, аскарий йўқлик ила шу
золим хуњӯлар занжирига банд бўлмишмиз. Дуруст, биз шарқилар гарблиларга
қараганда маданиятча бик тубандамиз, бизим мазлумиятимиз маданиятсизлигимиз
учун дейилса мумкин. Лекин шундօф бўлса ҳам истиқтол олиб, аскарсиз яшамоқ бу-
тунлай мумкин эмас...

Мусулмон ишчилариндан аскарлар ҳозирлов эҳтиёжи энди сиз ёшларга бўлса керакки, мусулмон
ишчилариндан кўнгилли аскарлар йигмоқ ҳақинида Марказ мусулмон бюроси тарафиндан Эски шаҳар
синфиитифоқлар шўросига бир мурожаатнома тушурилган экан. Бу мурожаатнома мазкур шўронинг
айнан ўзиги умумий мажлиснда кўрилиб, тубандаги қарор берилганки, аҳамиятта кўра шу қарорни
мусулмон ишчилариндан аскар йигувга зўр ташвиқот лозимдир...


Эски шаҳарга таълим жойлари очиб, ҳарбий муаллимларни мусулмонлардан қўйсун. Мусулмон-
ларнинг ўзидан аскарий муаллимлар еткозмак учун курслар очиб, шу кундан эътиборан Эски шаҳар
синфиитифоқлари шўросига бир нафар ўз ҳарбий вакилини доимий этиб тушурсун».

Мана бу қарор ғоятда кўнгилли бир иш, лекин бошқа қарорларимиз каби бунда – қоғаздагина қолиб
кетмови матлубидир. Яхши соатда.

Абдулла ҚОДИРИЙ

«Иштирокион» газетаси, 1919 йил, 4 ноябрь, 211-сон

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК



БИР ҲОЗУР ДУР

ЯХШИ ҚЎШНИНИГ БАҲОСИ

Бир кишининг жуда яхши қўшниси бор эди. Одоб-ахлоқда, мөр-муруватда унга тенг келадигани топилмасди. Ҳалиги киши тақдир тақозоси билан бошқа бир жойга кўчиши керак эди. Уйини сотишга мажбур бўлди.

Уйининг нархини мижоз билан келишиб, уни сотаётганида: «Эҳ, агар имконим бўлганида, бу уйни сотмасдим», – деди.

Мижоз:

– Ахир мен сенга яхши ҳақ тўладим-ку! – деди.

Киши:

– Уйнинг ҳақини тўлиқ бердингиз-ку, лекин дунёнинг бутун мол-мулки ҳам шу одам билан қўшни бўлишнинг лаззатини бера олмайди-да. Касал бўлсан, холимдан хабар олади. Сафарга чиксан, молимни муҳофаза қиласди. Сафардан қайтсан, омонатимни гўзал ҳолатда топширади. Қарзга пул сўрасам, ўша пулни ҳадя этади. Шундай қўшнига эга бўляпсан. Қадрига ет, – деган экан.

ҚИМОРБОЗДАН ОЛИНГАН ИБРАТ

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳикоя қиласидилар:

«Тўғри йўлдан юришга ҳаракат қилиб нафсимни жиловлаш ва уни бошқаришга жидду жаҳд қилиб, юрган пайтларим эди. Йўлимдан бир қиморхона чиқиб қолди. У ерда одамлар тўпланиб, қимор ўйнашаётган экан.

Ичларидан иккى киши шунчалик қиморга берилиб кетишибдики, қўзлари ва ақллари у билан бутунлай банд эди. Атрофдаги воқеа-ҳодисалар эса парвонига ҳам келмасди. Уларнинг бири ҳадеб ютқизаверарди. Ҳамма нарсасини қиморда бой берган бўлса ҳам, тўхтамас эди. Ахийри, шеригига шундай деди:

– Шунча ютқаздим. Лекин барибир тўхтамайман. Жонимни ютқазсам ҳам, тўхтамайман.

Қиморбознинг қиморга муҳаббати менга катта ибрат бўлди. Ҳақ йўлида юриш, унинг айтганларини қилишга иштиёқим янада ортди. Воз кечиши фикри эса миямдан ўчиб бўлган эди.

ШАЙТОН ИМОНИНГНИ ЎҒИРЛАСА, НИМА ҚИЛАРДИНГ?

Бир киши авлиёлардан бирининг олдига келиб, нолий бошлабди:

– Бир ўғри ўйимга тушиб, қимматбаҳо нарсаларимни ўғирлади.

Авлиё зот унга дебдилар:

– Дарров бориб, Аллоҳга шукур қил!

Киши тасалли эшитмоқчи бўлиб айтган сўзларига бундай жавоб олганидан ҳайратланиб:

– Ўйимга ўғри кирди, нарсаларимни ўғирлади деяпман, бунинг нимасига шукур қиласи? – дебди.

– Шукур қилишинг керак, чунки шайтон қалбингга кириб имонингни ўғирлаганида, нима қилардинг? – дебдилар.

«Оилам билан ҳар кун бир ҳаёт дарси ўрганамиз» китобидан олинди.

НОШУКУР

Тиланчи хаётидан нолиб Худога арз қиласди:

– Нимага мени бошқаларга ўшаб яратмадинг?

Шу пайт радиодан бошловчининг овози эшитилди:

– Ногирон ампутантларимиз жаҳон чемпиони бўлишиди...

АРМОН

Болакай негадир шу кўчадан юрмасди. Ўртоқлари «шу йўл яқинроқ, нега айланиб юришимиз дўстлари у билан индамай мактабнинг орка дарвозасига кетарди. Сал улғайишгач, уни тушунган ҳамон ўша кўчадан юрса ўзини ўнғайсиз сезар, кўнгли ғашланаверарди. Онаси эса индамайгина кисмасин деб кўрмаганликка оларди..

Орадан йиллар ўтди. Ҳозир болакай катта одам бўлган. Унинг болаларининг бирордан кам жойи йўқ. Шундай бўлсанга энди унинг данғиллама ҳовлида ҳам кўнгли ғашланаверади. Онаси йўклиги учун... уни куттувчи, супурги боғланган сим тилиб юборган кадоқ кафтлари билан бармоқларини туттувчи, совук котиб кеттанды қўлларини кух-кухлаб иситувчи, ҳамма ғамларини аритувчи онаси йўк...

Ўша кўчадан дўстлари билан ўтганда ҳамон кўнгли нотинч бўлади, энди дўстларидан уялади. Ўшанда ҳалол меҳнат қилаётган онажонисининг қўлларидан ўлмагани, бу қадоқ қўлларни қўзларига суртмагани учун...

С. ИБОДИНОВ

ЖАХОНДА**ПРОТЕСТ БИЛДИРДИ**

Хитой Американинг McCampbell эсминеци Жануби-Хитой денгизидаги баҳсли ороллар ёндан ўтгани муносабати билан АҚШ раҳбариятига протест билдири. Бу ҳақда РИА «Новости» хабар тарқатган.

«Биз шу муносабат билан Америка томонига тақдимнома киритдик» – дега айтгаб ўтган ХХР Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Лу Кан.

Унинг сўзларига кўра, Хитой Вашингтонни бундан кейинги провокацион ҳаракатлардан тийилишга чақиради.

ГАБОНДАГИ ИСЁНЧИЛАР

Габон армияси давлат радиостанциясини эгаллаб олиб, «Миллий тикланиш кенгаш» тузилиши ҳақида эълон қилган ҳарбийларни кўллаб-кувватлади.

RFI телеканали маълумотига кўра, армиянинг асосий қисми амалдаги Президент Али Бонго Ондимба тарафдори бўлуб чиқкан.

Маҳаллий ОАВ хабарига кўра, лейтенант Ондо Обианг Келли бошчилигидаги исёнчи ҳарбийлар кўлга олинган.

КАСПИЙ ДЕНГИЗИДА МАШГУЛОТЛАР

Эрон Россия билан ҳамкорликда Каспий дengизида ҳарбий-денгиз машгулотлари ўтказади. Бу ҳақда Эрон Ҳарбий-денгиз кучлари қўмандони, контрападирал Ҳусайн Хонзодий мълум қилган.

Хонзодийнинг таъкидлашича, Эрон ва Россия Ҳарбий-денгиз кучлари ўртасидаги ҳамкорлик кейинги йилларда мустаҳкамланган.

Каспий дengизида Эрон ва Россия ҳамкорлигидаги ҳарбий-денгиз машгулотлари 2015 йилда ўтказилганди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

РУКОПАШНЫЙ БОЙ

ТУРНИР ВЫСОКОГО МАСТЕРСТВА

В спортивно-оздоровительном комплексе «Узбекистан» с большим успехом прошло открытое первенство Вооруженных Сил Республики Узбекистан по рукопашному бою. В нем приняли участие лучшие спортсмены всех силовых ведомств нашей страны.

– Проведение этого турнира, – отметил в своём выступлении командующий Национальной гвардии генерал-лейтенант Б. Ташматов, – в дни, когда весь народ готовится к встрече 27-й годовщины образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан, имеет символическое значение. Сегодня мы получим возможность оценить уровень физической и профессиональной подготовки защитников Родины и назвать лучших из них.

Состязания проходили в семи весовых категориях: 65, 70, 75, 80, 85, 90 и +90 кг. Каждая схватка сопровождалась мощной поддержкой зала. До финала дошли только самые смелые, стой-



на Мамажонова, а затем, сам нанес серию точных ударов. Благодаря чему, по единогласному мнению судей, одержал заслуженную победу.

Еще один армейский спортсмен, кандидат в мастера спорта, чемпион Узбекистана, тяжеловес Баходир Косимов в финальном бою в весовой категории +90 кг сразился с опытным спортсменом, призером чемпионатов Азии и Европы, сотрудником Национальной гвардии Илёсом Райимовым. Баходир с первых секунд боя, перешел в атаку, проявив завидную для тяжеловеса активность. Однако, защиту Илёса пробить было невозможно. К концу боя Баходир устал, потерял бдительность, за что и был наказан несколькими точными ударами. Опыт и мастерство и на этот раз сказали свое слово. Убедительная победа Илёса Райимова.

В ходе турнира состоялась концертная программа с участием звезд узбекской эстрады. Молодежные коллективы и исполнители показали свое артистическое мастерство в исполнении патриотических песен и танцевальных композиций, посвященных защитникам Родины.

Награждение мастеров рукопашного боя медалями, дипломами и памятными подарками прошло в теплой и торжественной обстановке. Спортсмены и зрители получили возможность в полной мере оценить плодотворную работу, проводимую руководством страны и командованием Вооруженных Сил для развития военно-прикладных видов спорта среди молодежи и военнослужащих.

Ч. РАЙМБЕРДИЕВ.



кие и опытные спортсмены. В их числе и два представителя Министерства обороны. Каждый поединок отличался зрелищностью и достоин пера спортивных журналистов. Остановимся на тех схватках, где отличились армейские спортсмены.

В весовой категории 70 кг в финале встретились представитель Министерства обороны Олим Номуровод и сотрудник МВД Мухиддин Мамажонов. Мастер спорта, чемпион Узбекистана, победитель и призер различных международных турниров Олим Номуровод умело уклонялся от захватов чемпиона мира Мухидди-

ФУТБОЛ

ФАЛАБА БИЛАН БОШЛАНДИ

Бирлашган Араб амирлариди ҳисоб бўйича 17-Осиё Кубоги баҳсларига старт берилди. Миллий терма жамоамиз 7-марта Осиё чемпионатининг финал босқичида совринли ўринлар учун кураш олиб боради.

Аргентиналик мураббий Эктор Купер бошчилигидаги ҳамиортларимиз мусобака доирасидаги дастлабки баҳснан Уммон футболчиларига қарши ўтказиши. Бу ўйин кийин кечиши олдиндан мълум эди. Зоро, шу вақтгача Узбекистон ва Уммон терма жамоалари 5 марта ўзаро тўқнаш келган ва бу ўйинларда вакилларимиз бир марта фалаба қозониб, 4 та баҳса маглубиятни тан олишга мажбур бўлишган эди.



Ҳар икки жамоа учун муҳим аҳамиятта эга бўлган навбатдаги учрашув ҳам кескин курашларга бой буди. Тан олиш лозимки, ўйиннинг аксарият қисми уммонлик футболчиларинг устунлиги остида ўтди. Бунга терма жамоамиз мураббийларининг асосан ҳимоя тактикасидан фойдаланган сабаб бўлди. Натижада терма жамоамиздан чиройли ва ҳужумкор ўйинни кутган мухлисларимиз баҳсни ҳавотир ва ҳаяжон остида кузатишга мажбур бўлишди. Баҳтимизга, бу сафар омад ҳамиортларимизга кулиб боқди. Уммон футбол федерацияси раҳбаригининг Узбекистон термаси устидан қозониладиган фалаба учун катта мукофот пули ажратганинига рақибларимизни фақат ҳужумкор ўйинга руҳлантирганлиги шубҳасиз. Улар дастлабки дақиқаларданоқ ҳудудий устунликни ўз кўлларига олиб, бир қатор ҳавфли ҳужумлар уюштирилар. 34-дақиқага келиб футbolchilarimizning саноқли қарши ҳужумларидан бири рақиб жарима майдончasi якинида ўйин қоидасининг бузилишига олиб келди. Жарима зарбасини аниқ амалга оширган жамоамиз сардори Одил Ахмедов мусобака безагига айланishi мумкин бўлган ажойиб гол муаллифига айланди – 1:0. Иккичи бўлимда асосий ўтиборни ҳужумга қаратган уммонликлар бир қатор ҳавфли вазиятларни юзага келтирдилар ва бу 72-дақиқага келиб ўз самарасини берди. Ҳимоҷиларимизнинг кўпол хатоси тифайли дарвозабонимиз билан яккана якка ҳолатта чиқиб борганд Муҳсин Гассоний ҳисобни тенглаштиришга эришид. Шундан сўнг, Эктор Купер майдонга тезкор футbolchilarimizidan Икром Алибоев ва Элдор Шомуродовин тушиди. Бу ўзғаршилар жамоамиз ўйинига ижобий таъсиат кўрсатди. 86-дақиқага келиб айнан шу иккни футболчи иштироқида амалга оширилган қарши ҳужум Элдорнинг аниқ зарбаси билан якунланди – 2:1. Кучли рақибнинг ҳар қанча уринишига қарамай, ҳисоб ўйин охиригача ўзгармай қолди ва терма жамоамиз нуғузли мусобакадаги биринчи ва мухим фалабани кўлга киритди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, бу фалабага кўплаб ҳавфли вазиятларда ўз дарвозаси дахлизлигини сақлаб колган, Осиё чемпионатида иштирок этиш бўйича мутлак рекордчига айланган (5 марта) моҳир дарвозабонимиз, жорий йилда 36 ёшни қарши оладиган таъбирили Игнатий Несторов катта ҳисса кўшиди.

П. САЙДИВАЛИЕВ

ТРАКТОР ЭКСПОРТ ҚИЛАДИ



Тожикистандаги «Агротехсервис» күшма корхонаси томонидан ишлаб чиқилган «Беларусь 82.1» ва «Беларусь 80Х» русумли саккизга трактор Ўзбекистонга етказиб берилди, деб хабар қилган Asia-Plus. Тожикистан Саноат ва янги технологиялар вазирлиги маълумотларига кўра, ушбу корхона 2019 йилда бу тракторларни Ўзбекистонга кенг миқёса етказиб бериш, шунингдек, «Беларусь 512» (кабинасиз) русумли тракторни Афғонистон ва Покистонга экспорт қилишни режалаштиришмоқда.

ЁДГОРИКЛАРНИНГ ЗД МОДЕЛИ



Шарқий Қозогистон давлат техника университети томонидан Қозогистондаги тарихий ёдгорликларнинг 3D модели яратилади. Унга кўра энг ноёб китоблар, кўлэзмалар, картина ва фотосуратлар, шунингдек, архив ҳужжатларининг рақами форматда сақланиши кўзда тутилган. Археологик ёдгорликларнинг 3D формати ишлаб чиқилади. Лойиҳа учун «Фарз» ҳомийлик фонди 24 млн тенге ажратган. Тарихий ёдгорликларни рақамлаштириш ишларини 2021 йилгача якунлаш режалаштирилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ҚЎШИН ҚИСҚАРТИРИЛАДИ



Америка Кўшма Штатлари Афғонистонда ўз харбий иштирокини икки баробар қисқартириш ниятида, деб ёзмоқда Military.com портали Пентагондаги манба маълумотига таянган ҳолда.

Маълумотда келтирилишича, Афғонистондаги АҚШ НАТО қўшиллари кўмандони, генерал-лейтенант Скотт Миллер минтақада жойлаштирилган 14 минг аскардан тахминан 7 минг аскарни мамлакатдан олиб чиқиб кетади.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

ЯНГИ ЖАНГОВАР МАШИНАЛАР



Жанубий Кореяning «Хёндэ ротем» компанияси K808 WAV (Wheeled Armored Vehicle) деб номланган янги зирхли жанговар машинанинг (ғилдираклар формуласи 8 x 8) иккита вариантида ишланган намунасини намойиш этди. Янги жанговар воситанинг биринчи варианти тинчликпарварлик операцияларида иштирок этувчи бўлинмалар учун мўлжалланган, иккичи вариант эса тиббий-эвакуация машинаси сифатида ишлаб чиқилган. Биринчи намуна Австралиянинг EOS компанияси томонидан ишлаб чиқарилган масофадан бошқарилувчи жанговар модуль билан жиҳозланган бўлиб, унга 30 мм.ли тезотар автоматик тўп ўрнатилган. Машина экипажи икки кишидан иборат, десант бўлмасига барча керакли нарсалар билан тўлиқ таъминланган ўн нафар пиёда аскар жойлашиш мумкин. WAV янада ишончли зирхли ҳимоя ва V-симон корпусга эга бўлиб, бу НАТОнинг STANAG 4569 стандарти бўйича тўртинчи ҳимояланиш даражаси талабларига жавоб беради.

Тиббий-эвакуация машинаси эса замбилга жойлаштирилган тўрт нафар бемор ёки ўтириш имконига эга бўлган саккиз нафар ярадорни эвакуация қилиши мумкин. Машина экипажи уч киши, яъни командир, хайдовчи ва тибиёт мутахассисидан иборат. Жанговар воситанинг қўшинларга етказиб бериш учун мўлжалланган якунчи варианти замбилларни автоматик равишда кўтариб-тушируви махсус тизим билан жиҳозланади.

Хозирда «Хёндэ ротем» компанияси мутахассислари Миллий мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликада K808 WAVнинг кўмандонлик-штаб машинаси, харакатчан артиллерия-зенит комплекси, танкка қарши ракета комплекси ва миналардан тозалаш тизими кўринишидаги янги варианларини яратиш устида иш олиб бормоқда.

СОВРЕМЕННЫЙ БОЕВОЙ КОРАБЛЬ

Фрегат F 595 «Луиджи Риццо» ВМС Италии построен по программе FREMM. Был заложен 5 марта 2013 года на верфи «Рива Тригозо» компании «Финкантьери» в г. Генуя, спущен на воду 19 декабря 2015-го и вошел в состав флота страны в 2017 году. Его полное водоизмещение 6700 т, длина 144 м, ширина 19,4 м, осадка 5,4 м. Экипаж 131 человек, в том числе 23 члена авиагруппы. Предусмотрена возможность для дополнительного размещения 25 человек. Главная энергетическая установка включает газовую турбину LM2500+ мощностью 32 МВт, четыре дизель-генератора общей мощностью 8,4 МВт и выдвижное подруливающее устройство. Наибольшая скорость хода 27 узлов, запас хода 6000 миль при скорости 15 узлов. Вооружение: 127-мм автоматическая установка (АУ) 127/64LW «Вулкан», 25-мм АУ, 16-ячеенная УВП «Сильвер» A50 для ЗУР «Астер-15 -30», две четырехконтейнерные ПУ ПКР «Тезео» Mk 2 (боезапас восемь единиц оружия), два трехтрубных торпедных аппарата для торпед MU-90. В состав радиоэлектронного вооружения корабля входят радиолокационные станции (РЛС) различного назначения (освещение воздушной и надводной обстановки, навигационные, управления огнем), бортовая гидроакустическая станция, гидроакустический комплекс с бускируемой гидроакустической решеткой активно-пассивного типа, АСБУ «Линк-11, -16 и -22», оптоэлектронная система поиска и сопровождения целей SASS IRST. Фрегат оборудован вертолетной площадкой для приема вертолета NH-90 либо EH-101. Имеются также два рабочих катера (длиной 7 и 11 м).



ИККИ ВАРИАНТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Узоқ масофаларга мўлжалланган зенит-ракета комплекслари маъмурӣ-саноат марказлари, қўшин гурухлари, мухим аҳамиятга эга бўлган давлат ва ҳарбий объексларни душманнинг ҳаво ҳужуми воситалари зарбасидан ҳимоя қилиш учун кўлланади. Хусусан, АҚШ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган MIM-14 «Найк-Геркулес» русумли зенит-ракета комплекси ҳатто мураккаб об-ҳаво шароитларида ҳам 150 км.гача бўлган узоқлик ва 30 км.гача баландликлари нишонларнинг самарали яксон қилинишини таъминлайди. Комплекснинг зенит-ракета дивизиони олтита батареядан иборат бўлиб, улар таркибига нишонни радиолокацион аниқлаш ва кузатиш воситалари, ракеталарни ишга туширувчи 8 та қурилма (ҳар бири 1 тадан бошқарилувчи зенит ракетага эга) ҳамда таъминот ва алоқа воситалари киради. Батареялар ҳимоя қилинаётган объект атрофи бўйлаб марказдан 50 – 60 км узоқлиқда жойлаштирилади.



«Найк-Геркулес» комплексининг ишга тушириш қурилмаси стационар (кўчмас) ва шатакка олинувчи варианларда ишлаб чиқарилади. Улар бошқарилувчи зенит ракеталарнинг вертикаль равишида ишга туширилишини таъминлайди. Иккى поғонали «Найк-Геркулес» русумли бошқарилувчи ракета аэродинамик схема бўйича қурилган. Унинг старт оғирлиги 4500 килограмм, узунлиги 12,5 метр, корпус диаметри 0,8 метр, қанот кўлами 2,3 метр, максимал учиш тезлиги сониясига 1100 метрни ташкил этади.

ИСТРЕБИТЕЛЬ ПЯТОГО ПОКОЛЕНИЯ

Китайский тактический истребитель (ТИ) «Цзянъ-20» (J-20) пятого поколения был официально принят на вооружение Военно-воздушных сил Народно-освободительной армии Китая в марте 2017 года. Чэндуская авиационно-промышленная корпорация приступила к разработке данного истребителя в январе 2002-го. Летные испытания опытного образца начались в январе 2011 года, а военным специалистам и широкой публике данный самолет был впервые представлен на международной выставке «Эршоу Чайна» в ноябре 2016-го. Основные характеристики ТИ (оценочные): длина 13 метров, размах крыла 22 метра, высота 4,45 метра, площадь крыла 59 м²; масса пустого самолёта 17 тонн, максимальная взлетная масса 36 тонн, масса топлива 11,1 тонн. Тип силовой установки – два турбореактивных дизельных двигателей WS-15. Максимальная скорость полета 2448 км/ч, крейсерская – 1244 км/ч. Практическая дальность полета 5500 км, практический потолок 20000 метров. Вооружение – управляемые ракеты PL-10, -12, -21. Экипаж один человек. Истребитель построен с применением технологий малозаметности.



П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ҚЎЗГУДАГИ ЎЗИМИЗ

ҲАЁТ – ЯХШИ МУАЛЛИМ

Қаердадир ўқигандим: «Ҳаёт – яхши муаллим, фақат дарслари қиммат, аммо тушунарли». Баъзида Ҳаёт номли бу устоз бизга айтмоқчи бўлгандарини чуқурроқ англашимиз учун фарзандларимизни ишга соларкан. Қўйидаги воқеалар фикримнинг нечоғлик ҳақиқат эканлигини исботлайди.

Онам, қизим ва ... тамаки

«Биринчи марта сигарета чекиб кўрганимда 5-синфда ўқирдим. У пайтда сигаретани қандай ушлашни билмасдим. Шу боис уйда тандирхонада «маши» кила бошлидим. Учинчи куни онам «жиноят устида» ушлаб олди. Қўлларидан супурги тушиб кетди. Мен ҳам нима қилишини билмай қотиб қолдим. Онам иничка калтак билан мени савалай кетди. Шу вақтгача уриб-сўкиш у ёқда турсин, бирор марта «сен» демаган онам мени шунаقا калтакладики, бадам моматалок бўйлиб кетди. Кейин онам тандирга суюниб ўтириб қолди. Мен қочдим. Лекин ҳовлининг этагидан онамнинг йиглётганини кўриб турардим. Онамнинг кўнглини олиш учун даладан роса қовун-тарвуз ташидим, бариги, волидам мен билан ўн кунча гаплашмади. Қайтиб сигаретни оғизимга олмадим. Вақтлар ўтиб ўзимни улгайған хисоблаб яна чека бошлидим. Онам вафот этди. Бутун дунём ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Сигаретни ташламадим. Бир куни ишдан келсан, бир ярим яшар қизим чўтагимдан ўша зорманданинг кутисини олиб, худди менга ўхшаб оғизга қистирди, олдимга келиб гугурт ёкишимни сўради... Аёлим икковимиз сўзсиз бир-биримизга қараб қолдик. Битта содда дарсни тушунмасанг, ҳаётнинг ўзи оддий йўл билан тушунтириб қўяркан. Токи хулоса чиқармагунингизча...»

«Мен компьютер бўламан, ойи!»

«Ўша куни жудаям ишим кўпайиб кетди. Боламни тез-тез овқатлантиридим-да, яна нетбукка шўнгидим. Ҳатто уни сайрга ҳам опчиқолмадим. Қизим бир ўзи ўйнаб ўтириди, зериди, икки-уч бор ёнимга келиб «компьютерингизни ёпинг» деб илтимос қилди. Эътиборимни тортиш учун мени яхши кўришини маълум қилди. Лекин менинг бутун фикру хаёлим компьютерда эди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайман қизимнинг ўйинчоқларига гапираётганини эшитиб қолдим: «Овқат ейсанми?.. Қорнинг очдими? Ухлайсанми? Ўйнаб тур, ҳозир келаман, хўпми мен ёзиб олай, дедим сенга!» Гапларимни таракорлаётганидан завқландим. Яна бирорздан кейин олдимга ўтириб олди ва секин нетбукни четта суриб, «ойижо-о-о-он, қаранг, мен компьютерман, менга ёзинг хўпми?» деди. Аввалига тушунмадим. Тушунгач виждоним кўйиналиб кетди. Болагнам онасининг эътиборига эришиш учун компьютер бер бўлишга ҳам рози эди. Ичимда нимадир чирт этиб узилгандек бўлди. Қўзларимдан қайноқ ёш сизиб чиқа бошлиди. Тезда ўзимни ўнгладим. Менга ҳайрон қараб турган қизимнинг юзидан ўпдим. Уни яхши кўришимни айтиб, даст кўтардим-да, маҳкам бағримга босдим...»

Н. УМАРОВА



Софлом жамият

Софлом авлод учун халқаро хайрия фондининг малакали тиббиёт мутахассислари кўригидан бу сафар Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари ўтиши.

Жами 120 нафар она ва болани кўридан ўтказиш жараённида улгарга оиласларда тиббий маданиятни ошириш, йод этишмовчилиги оқибатида рўй берадиган нохуш ҳолатлар, эрта никоҳ, шахсий гигиена билан боғлиқ маърузалар ўқилди.

Наргиза АСАДОВА

Мустаҳкам оила

Республика ҳарбий прокуратураси Ҳаво хуҷумидан мудофаа қўшилари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги билан ҳамкорликда подполковник Камолиддин Тошпўлатов командирлик килаёттан ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, ҳарбий хизматчи аёллар ва Қуролли Кучлари хизматчилари иштирокида оила мустаҳкамлиги мавзусида маънавий-марьифий тадбир бўйлиб ўтди.

Тадбирда ҳарбий қисм командирининг ўринбосари подполковник Актам Шокирбоев, хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлай бўйича етакчи мутахассис Дилбархон Ҳусанова, Самарқанд шаҳар мактабгача таълим бўлими ходимлари ҳарбий хизматчиларнинг оиласларига яратилган шароит ва ғамхўрлик, ҳарбийлар оиласларидағи масъуият ҳақида тўхталиши.

Шунингдек, оиласларда ҳукукий маданиятни ошириш, тадбиркорлик учун берилаеттан имтиёзлардан фойдаланиш, маҳаллаларда истиқомат килаёттан ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг тадбирларда фаол бўлишлари борасида фикрлар билдирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари қаерда, қай бир гўшада истиқомат килишмасин, оила нуғузини асрар, мумалала маданияти ва ҳатти-ҳаракати билан акралиб туриши, ўзгаларга ўрнек бўлиши ҳақида сўз борди.

Тадбир савол-жавобларга бой бўлди.

Аддия капитани Гулчехра ТУРСУНОВА,
Республика ҳарбий прокурори ёрдамчиси

РЕКЛАМА



**ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ
«ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ
жамоаси**

барча юртдошларимизни, мамлакатимиз тинчлиги
ва ҷегараларимиз даҳлесизлиги учун матонат
билан хизмат қилаётган ҳарбийларни,
миллий армиямизга мард, юқсак матонат ва
жасоратга эга наққирон авлодни ватанпарварлик
руҳида тарбиялаш, уларда эл-юрт тақдирига
даҳлдорлик туйгусини юксалтириш йўлида
фаолият олиб бораётган мудофаага кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилоти ходимларини
14 январь – Ватан ҳимоячилари куни
билан самимий табриклайди.

Ватанпарварликни чинакам эътиқодга айлантирайлик!



РЕКЛАМА

ЭЗГУ ИШГА МУНОСИБ ҲИССА

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни она Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтириш ва жисмоний баркамоллигига катта аҳамият берилмоқда.

Бундай эзгу ишлар мудофаага вадавра сұхбатлари, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Ташкилот биносининг замонавий таъмирлангани ва спорт-техника, ўқув автомобиллар жиҳозлари хамда маънавият-маърифат бўйича кўргазмалар билан таъминлангани бу борада қулайлик яратилиши.

Президентимизнинг 2018 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил

омил бўлди.

Келгусида ҳам малакали ҳайдовчилар тайёрлаш борасидаги изланишлар изчил давом эттирилади. Бунинг учун ташкилот етарли даражада ўқув-моддий базага эга. Бу эса ўз навбатида малакали ҳайдовчилар етказиб бериш имкониятини оширмоқда.

Жорий йилда спортнинг техник ва амалий турларини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ривож-

ни эгаллаганлиги ҳам фикримиз исботидир.

Айни пайтда ҳаво мильтифидан ўқотиш, ёзги биатлон ҳамда ракета-модель каби секцияларга 74 нафар ёш жалб қилинган.

Кези келганда таъкидлаш жонизки, ўз меҳнатимиз билан ҳар биримиз аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига, қолаверса, юрт равнақига ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Муҳими, бу изланишлар замирида



этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиши чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ қизғин давом этаётган ватанпарварлик ойлиги давомида тури майна-вий-маърифий тадбирлар, учрашув

ўқитувчи ва ўргатувчи усталикнинг тинимсиз меҳнати, ўқув жараёнини ўз ичига олган анимация эффектлари, электрон ўқув услубий кўлланмалар, ҳар бир синф хонасидаги инновацион видеопроектлар, компььютерлар жамланмаси, аудио ва видео кузатув тизимлари муҳим

лантириш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди. Спортчиларимиз нуғузли мусобақаларда иштирок этиб, етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Биргина Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ўқотиш спорти бўйича ўтказилган мусобақада вакилларимиз 1-ўрин-

аввало, инсон манбаатлари устунлиги асосий омиллардан эканлиги намоён бўлмоқда.

**Шерипбой МАТСАПАЕВ,
Мудофаага кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилоти
Беруний тумани
ЎСТК бошлиғи**

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Беруний туман ўқув спорт техника клуби жамоаси

**Барчангизни Янги – 2019 йил билан ҳамда
мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил
этилганлигининг 27 йиллиги ва 14 январь –
Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан
чин дилдан муборакбод этади.**

Шу азиз Ватанга, ҳалқимиз хизматига доимо шай бўлиб, озод ва обод юрт истиқболи учун яшаш ва хизмат килишда зафар ёр бўлсин!



БАЙРАМ ШУКУХИ

КУРСАНТЛАР ЎРТАСИДА

ҳазил-мутойиба танлови ўтказилди

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида Қувноқлар ва зукколар мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Қуроли Кучлар академияси-нинг «Ўзбегим», Тошкент ахборот технологиялари университети махсус фольклорининг «Статус», Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юртининг «Golden weens» ҳамда мезбон билим юрти курсантларидан тарқиб топган «НБК» жамоалари кундалик ҳарбий ҳаётда учраб турадиган куғлили ҳолатларни саҳнада намоён этишиди.

«Ҳазил-мутойиба хизмат қўйинчилкларини енгизида бизга ёрдам беради», «Армияга чақирув» (бирор фильм ёки анимациян фильмга овоз бериш орқали мавзуга боғлаш

ҳамда «Ҳарбий ҳаёт ҳақида эртак» шартлари бўйича курсантларнинг бадиий-ҳаваскорлик лаёқати, актёрлик, дубляжда овоз бериш белгиланган вақт меъёлларига қай даражада амал қилгани ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний натижаларига кўра, «Статус» жамоаси 3-ўринга муносиб кўрилган бўлса, Қуроли Кучлар академияси курсантлари тўплаган баҳолар 1-ўрин учун камлик қилди. Натижка – 2-ўрин! Тинимиз машқ, маҳорат ва муҳлислар олқиши мезбон жамоа курсантларига 1-ўринни нақд қилди.



– Барча жамоадошларимни бугунги ғалаба билан қутлайман! – деди 5-курс курсанти Фахриддин Фармонов. – Бу каби мусобақалар шахсий таркибининг маданият хордик чиқариши учун муҳим. Мусобақага келсан, бошқа жамоаларнинг маҳоратларини кўрдик, тажриба алмашдик. Кўплаб дўстлар орттиридик. Голиблар ва фаол иштирокчиларга Мудофаа ва зиррията Маданият ва маърифат маркази томонидан диплом ва эсадалик совғалар топширилди.

А. АНВАРОВ, муаллиф суратга олган.

ЖАСОРАТ ТАЛҚИНИ

Машҳур файласуфлардан бирининг ушбу сўзлари менга жуда ёқади: «Яшашга ва эркинликка ҳар куни улар учун курашувчи одамгина лойиқдир». Дарҳақиқат, ҳаёт курашлардан иборат. Айниқса, Ватан озодлиги, миллат эрки учун ватанпарвар инсонлар – юрт пошибонларининг жони гаровда туради. Улар Ватан ҳимояси йўлида жон бермоқни шараф деб биладилар. Таникли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳилол Насимов томонидан суратга олинган «Ҳаёт» бадиий фильми айнан жасорат йўлини танлаган ўғлонларнинг мардона умридан сўзлади. Бу киноасар катта экранлардаги намойиши билан муҳлислар эътирофиға сазовор бўлиб улгурди.



Ҳарбий қисм ва муассасаларда ушбу бадиий фильмнамойиши ҳамда фильм ижодкорлари билан учрашувлар давом этмокда. Мана шундай учрашувлардан бири Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига бўлиб ўтди.

Барчанинг нигоҳи экранга қаратилган. Тинч ва осуда кишлоқ ҳаёти, миллий анъана ва удумлар билан бошлинувчи фильм жанговар лавҳаларга уланади. Сурхон воҳасининг тоғли ҳудудларида нотинчлик, босқинчилар борлиги аниқланди. Ватан тинчлиги ва хурлигига раҳна солмоқчи бўлган душманга қарши шерюрак ўғлонларимиз курашга отланади. Воқеалар ривожи гоҳо тинч ҳаёт, гоҳида тоғлардаги халқаро террорчиларга қарши олиб борилган жангларга боғланади. Муҳаббат, садоқат, жасорат уйғуности, Ватан

тинчлиги йўлида жонини қурбон қилган навқирон умрлар...

Қалбларни жунбушга келтирувчи кадрлар ортда қолиб, зални гулдурос қарсаклар эгаллади. Бу фильмни кўзёшсиз кўриш қийин.

Сахнадан «Ҳаёт» бадиий фильми ижодкорлари режиссёр Ҳилол Насимов, сценарий муаллифи Зулфия Юнусова, фильмнинг асосий қаҳрамонлари таникли актёрлар Мехриздин Раҳматов, Лола Элтоева, Фотих Насимов жой олишиди. Кизгин савол-жавоблар жараённида фильмнинг янги-янги қирралари, уни суратга олишдаги заҳмат ва муаммолар тилга олинди. Тадбир иштирокчилари фильмни эътироф этиш баробарида, ижодкорларга дил истакларини билдиришиди.

Зарина НИШОНОВА

VATANPARVAR

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:

ПОЛКОВНИК
Алижон САФАРОВ

Навбатчи:

ПОДПОЛКОВНИК
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ

Саҳифаловчилар:

Роберт ИСЛАКАЕВ
Олим БЕРДИЕВ

Мусаххихлар:

Зебо САРИЕВА
Сайёра МИРЗАЕВА
Муҳаррам КАМОЛОВА

ТЕЛЕФОНЛАР:

71 260-36-50
Факс: 71 260-32-29

Web-site: mv-vatanparvar.uz
E-mail: vatan@evo.uz

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўл ёзмалар тақриз килинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

«Ватан парвар» Бирлашган таҳририятининг компььютер марказида саҳифаланди.

«Ўзбекистон» нашриёт матбая иходий уйда чоп этиди.

Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кӯчаси, 30-ўй.

Газета жума куни чиқади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма V-3021

Ҳажми 6 босма табоқ.

Бичими АЭ.

Босишига топшириш вақти: 14:00

Топширилди: 14:30
44636 нусхада чоп этилди.

Нашр кўрсаткичи 114.
Баҳоси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:
100164, Тошкент,
Университет кӯчаси, 1-й.

БИР ЧИМДИМ

**Жасур
генералнинг
кўрқоқ аскари
бўлмайди**

Япон ҳикмати